

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

УДК _____

**Магистратура бўлими
“Ўзбек адабиёти” кафедраси**

Умида Мансурова

**Ўзбек маърифий насрининг жанр хусусиятлари
Мутахассислик: 5A141102-Ўзбек тили ва адабиёти**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимоя қилишга рухсат

Магистратура бўлими бошлиғи
_____ М.Эсанов

2012 й « ____ »июнь

“Ўзбек адабиёти” кафедраси

мудири _____
К.Муллахўжаева

Илмий раҳбар доцент

_____ Т.Шермуродов

Тошкент

I БОБ. Илмий-маърифий наср – янгича адабий эстетик тамойил сифатида.

“Ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукамал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверади”.

И.А.Каримов.

Ўрта асрларнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғатшунослик, илоҳиёт ва тил соҳаларини мукамал билган беназир олимдир. У жаҳон илм-фани тарихида “Жоруллоҳ” (Аллоҳнинг қўшниси), “Устод ад-дунё” (Бутун дунё устози), “Устод ул араб ва-л-ажам” (Араблар ва ғайриараблар устози), “Фаҳри Хваразм” (Хоразм фаҳри), “Каъбат ул-адаб” (Адаб аҳли учун бамисоли Каъбат) каби унвонлар билан шарафланган. Пирмат Шермуҳаммедовнинг “Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” китобида мана шундай улуғ олим, адиб, буюк алломанинг шахсий ҳаёти қандай кечганлиги, у яшаган замонда мусулмон оламида қандай сиёсий, ижтимоий, маънавий аҳамиятга эга бўлган воқеалар рўй берганлиги билан танишамиз.

Қомусий олим Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги ушбу асар бутун дунё эътироф этган аллома тўғрисида ўзбек тилида ёзилган биринчи илмий-маърифий йирик китобдир. Муаллифнинг Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб бўлган “Ал-Кашшоф”, “Ал-муфассал”, “Муқаддимату-л-адаб”, “Ал-Унмузаж”, “Атвоқ уз-заҳоб” каби асарларини ўрганиб чиққанлиги асарнинг эътиборли жиҳатларидан биридир.

Китобнинг биринчи фасли 1143 йил Гурганж шаҳри воқеалари билан бошланади. Кенг ва баҳаво меҳмонхонага Марв гиламлари тўшалган. Бахмал ёстиқларга суяниб ўтирган Маҳмуд Замахшарий мутолаа билан банд. Толиққанида мутолаадан бош кўтариб олис-олисларга тикилади, болалигини хотирлайди. Куз

фаслининг ўрталари. Куз фаслининг ўзига хос тарофати, гўзаллиги ўқувчи кўз ўнгида жонлантирилади:

“Уфқларга тутшиб кетган далаларда яна дехқонлар ғимирлаб қолишди. Улар югуриб елиб, экин-тикин ҳосилини йиғиб олишга киришишди. Ўт-ўланлар қовжираб, дов-дарахтлар япроқлари сарғайиб, дув-дув тўкила бошлади. Яланғочланиб қолган оғочларга илинган мезонлар енгил шабада билан ўйнашади...

Гурганжнинг жанубий қисмида жойлашган Мерган маҳалласини ҳам куз ўз неъматлари билан сийлади. Сапол хумлар шинниларга тўла. Қанча узоқ турса, шунча ширин тортадиган бешак қовунлари қўғаларга осиб қўйилган. Қиз-жувонлар ҳазил-ҳузул қилиб қувлашишади, келинлар катта-кичик келиларда шоли оқлашади. Унаштирилган қизлар эса чекка-чеккада бир-бирлари билан шивир-шивир сирлашишади.

Кўчанинг адоғидаги пахса деворли ҳовлида бахмал нимча кийган, ўрта бўйли, қора мағиздан келган жувон ичкари, ташқари ҳовли саҳнини ҳафсала билан супуриб-сидиради. У ўз хаёллари билан бўлиб чумчуқларнинг егулик талашишларига, мусичаларнинг бир-бирларини қувлашиб, ўйин қилишларига ҳам эътибор бермайди”.¹

Асардан келтирилган бу парча ҳаётни, теварак-атрофни, одамларнинг руҳий ҳолатини тасаввур қилишга ёрдам беради. Ёзувчи Маҳмуд Замахшарийнинг ўй-фикрлари, шогирди Тохирга қилган нисихатлари орқали унинг руҳиятидаги муҳим жиҳатларни акс эттиради.

“Аллома шогирдига узоқ насихат қилди. Илм ҳақида, олимлик мақоми-ю, унинг масъулияти, заҳмати ҳақида гапирди.

– Олимлик мақоми ҳар ким ҳам эришавермайдиган мартабадур. Мартаба эса синовдир. Олимнинг одабийлик сийрати синалади, ошкор бўлади. Демак, аввало одабийлик илмини мукамал эгаллаш лозим бўлади, – деди у”.²

¹ Пирмат Шермухаммедов. Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси. Илмий-маърифий роман. Ношир нашриёти. Тошкент 2009. 6 бет. Навбатдаги иқтибослар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаларда бетлари кўрсатилади.

² 9 бет.

Ёзувчи китобхонни аллома Маҳмуд Замахшарийнинг хислат ва фазилатлари билан таништирар экан, уларнинг шаклланишида ота-онасининг, оиладаги муҳитнинг таъсирини алоҳида таъкидлайди:

“Маҳмуд яхши билади, онаси узоқ йиллар халфалик билан шуғулланиб, қишлоқ аёлларини ўқитган. Масжид имоми бўлган Умар эса ҳар куни тонг сахарда туриб, тоат-ибодат қилади, сўнгра бир неча муддат китоб мутолааси билан банд бўлади.

... Шундай суҳбатлар таъсири бўлса, керак, Маҳмуд ёшига нисбатан зийракроқ, мулоҳазалироқ бўлиб ўсиб борар, тез-тез, наинки, ёзғиз қолган кезлари, ҳатто тенгқурлари билан ўйнаб юрган дамларида ҳам ногоҳон тўхтаб қолар, хаёлларга берилар, орзу-умидлар уфқида ғира-шира пайдо бўлаётган қандайдир нурли шарпаларни илғаб ошишга интилар эди”.³

Маҳмуд Замахшарийнинг онаси ниҳоятда тақводор, ақлли аёл эди. У раҳм-шавқатлилиги билан танилган бўлиб, фарзандининг ҳам шундай вояга етишини истар эди. Болалигида жуда шўх, тиниб-тинчимас бўлган аллома кейинчалик бир қуш билан боғлиқ рўй берган воқеани ҳикоя қилади. Бу ҳикоя Замахшарийнинг оқсоқ бўлиб қолиш сабабини бирмунча ойдинлаштиради.

М.Замахшарий ёш бола пайтлари бир қушчани тутиб олиб оёғини ип билан боғлайди. Қушча учиб девор орасидаги ковакка кириб беркинади. Ипни қаттиқроқ тортиб уни чиқармоқчи бўлса, қушнинг бир оёғи чирт узилиб чиқади. Онаси уни кўриб қаттиқ хафа бўлади. “Сен қушнинг оёғини синдирганинг каби Аллоҳ ҳам сенинг оёғингни синдирсин”, – деб уни қийди. Аллома илм ўрганиш учун Бухорога кетаётганида, йўлда отдан йиқилиб ўнг оёғи синади, кучли оғриқ босилавермагач, оёғини кестиришга мажбур бўлади.

Буюк алломага онасининг берган дашноми фарзандининг иймонли, инсофли, раҳм-шавқатли бўлиб вояга етишини исташи эди. Онанинг орзу ниятлари амалга ошди. Замахшарий ҳатто ўзига зарар бўлса, ҳам доимо адолат юзасидан иш тутар эди.

³ 12 бет.

Бу қиссадан онасининг меҳр-шафқатли, иймон-эътиқоди мустаҳкам, кўнгилчан аёл экани билинади.

Аз-Замахшарийнинг ҳаёти, ижодий ва илмий фаолиятини ўрганиш катта маърифий ва амалий аҳамиятга моликдир. Унинг ҳаётидаги тарбиявий жихатларга ҳавас қилиб, ибратли қирраларидан фарзандларимизга сабоқ беришимиз зарур.

Ёшлик чоғларидан илм-ирфонга ташна бўлиб ўсган аз-Замахшарий ўз билимини ошириш мақсадида ўша даврнинг йирик илмий ва маданий маркази бўлган Бухорои шарифга йўл олган. Аммо илм толиби йўлда юз берган бахтсиз ходиса (отдан йиқилиб оёғи лат егани, бунинг устига, қаҳратон совуқ бўлгани) туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Лекин бу ногиронлик унинг билим олишига тўсқинлик қила олмайди.

Адибнинг онаси вафот этиб, у Бухородан Замахшарга йўл олади. болаликдан азиз бўлиб қолган кенг ҳовлига кириб келганида, отаси ўғлини оқсоқ ҳолда кўриб, сал бўлмаса, ҳушини йўқотаёзди. Кейин ота-бола супага тўшалган кигизга ўтириб, тўйиб-тўйиб йиғлашди.

“Хуфтон чоғи Умар ўғлини чақириб, унга шундай деди:

– Ўғлим, ҳар ким ўз пешонасида борини кўради. Тақдири азал экан, ногирон бўлиб қолибсан. Энди бирор ҳунарнинг бошини тутиш лозим. Мен бу ҳақда узоқ ўйладим. Бир тикувчи ошнам бор, сени унга шогирд қилиб берсам деган эдим. Билиб қўй, ҳунарнинг яхши-ёмони бўлмайди.

- Тўғри, лекин мен тикувчи бўлмайман. Кечиринг...
- Ҳали ҳам кеч эмас, шундоқ ўйлаб кўр. Ахир, бир оёғинг...
- Илм олишни, ўқишни истайман”.⁴

Жисмоний нотаваонлигига қарамасдан аз-Замахшарийнинг катта иштиёқ ва астойдил собитқадамлик билим олиш йўлидаги кўрсатган бу жасорати ва фидоийлиги ҳар қандай таҳсинга савовордир ва ҳозирги авлод учун катта бир ибратдир.

Илмий-маърифий насрнинг табиатига хос хусусиятлардан бири, шубҳасиз, илмий-ҳаётий ҳақиқатлар билан улар моҳиятини атрофлича очишга

⁴ 32 бет.

йўналтирилган бадий-тўқимавий ҳақиқатларнинг ўзаро навбатма-навбат келиши, ўзар мувофиқлиги ва улар тасвиридаги мувозанатдир. Бу хусусиятни ўзга адибларнинг масалан, Н.Каримовнинг “Чўлпон”, “Усмон Носир” асарларида ҳам кўриш мумкин. Мазкур хусусият жанр талабларидан келиб чиқади. Бинобарин, П.Шермухаммедовнинг “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнги манзили” қиссасида, “Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” романида ҳам ифода жараёнининг шу йўсинида келиши ажабланарли ҳол эмас. Ёзувчи Замахшарий ҳақидаги илмий-маърифий романида, Муҳаммад Хоразмий қиссасидан фарқли ўлароқ, воқеаларни бевосита алломанинг болалик кезлари тасвиридан бошлайди.

Табиийки, ўқувчини қаҳрамоннинг жонли тимсоли, ҳаётининг кечинмалари қизиқтиради. Шу асосида ўқувчи алломалик рутбасига кўтарилиши омилларни тушунмоқни ҳам истайди. Бу эса муаллифдан ҳар томонлама ишончли далиллар билан сюжет яратишни тақоза этади. Айни чоқда даврнинг манзараси жонли намоён бўлиши шарт. Бир жиҳатдан ногиронга айланган бола илм истаги қатъийлигини билдирар экан, илм қадрини тушунган ота уни Гурганжга олиб боришга қарор қилади. Умар оғанинг ошнаси Нуриддин наққош Гурганж мадрасаси боғи мударрисси Абу Музар Маҳмуд ибн Жарир Запий Исфаконий ҳазратларига шогирдликни тавсия этади. Унинг номи нафақат Хоразмда, балки Хуросон-у Эронда ҳам маълум ва машҳурлигини, мударрисни “фаридул аср”, “ваҳидул даҳр (даврида ягона)” дея эҳтиромланишини таъкидлайди.

Кўринадикки, дастлабки воқеаларданоқ матн қарига айнан етиб келган фактлар, маълумотлар сингдирилмоқда. Аниқ далилларни матнга, ифодага сингдириб юборишнинг эса илмий-маърифий жанрдаги имконият ва усуллари кўп. П.Шермухаммедовнинг барча усулларида моҳирона фойдаланганлигини кўрамиз, жумладан ёш Маҳмуднинг ҳазрат Исфаконий шогирдлигига олиб борилиши тасвирида ёзувчи ўз иродасига таниқли олим

А.Рустамов тадқиқотидан⁵ олинган фактларни киритганлиги ҳужжатлиликни, ишонарлиликни таъмин этади.

Ёки муаллиф бугунги кун ўқувчисига ўша даврнинг таълим тизими борасида батафсил маълумотлар бериш ҳам лозим деб билади. Дарҳақиқат, ҳозирги авлодлар мадраса, мударрис, бу таълим даргоҳларида иш юритишнинг ўзига хос мақсад- вазифалари, бу тизимнинг тарихи улуғвор натижалари хусусида етарли тасаввурга эга эмаслар. Бундан ташқари, таълимнинг молиявий таъминланиши йўл-йўриқлари, ота-оналарнинг мадрасалар, устозларга қараш тарзлари, ўша даврдаги илм-маърифатга муносабат масалалари ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Бу ва бошқа шунга ўхшаш масалалар бобида тарихий манбаларда маълумотлар кўп бўлса-да, аксарият китобхонлар оммаси уларни махсус қидириб топиб ўқимаслиги аён. Уларни муаллиф ўз баёни асосида тушунтирмоғи ҳам мумкин эди. Бироқ, далилиликни янада мустаҳкамроқ қилиш учун ёзувчи айтиш соҳа борасида тўғридан-тўғри изланишлар олиб борган мутахассисларнинг илмий асарларига мурожаат қилади. Маҳмуднинг янги ҳаёт йўли мадрасадан бошланар экан, ёзувчи воқеалар ривожига ана шу юқоридаги масалалар талқинини олиб киради. Ва мухтасар, умумлашма, айтиш пайтда, атрофлича изоҳ бўлгани боис, янги миллий қомусдан фойдаланади.⁶ Албатта, мадрасаларда ўқитиладиган фанлар, илм толибларининг имтиҳон қилинишлари, уларнинг турли фанлардан имтиҳон топширишлари, масалан, улардан бирига фалсафа ва ҳуқуқ фанига оид 137та дарслик ўқув қўлланмани ўзлаштириш талаб этилиши, мадрасаларда талабаларнинг қизиқишлари ва мударрисларнинг таъминотига қараб фалаккиёт, ҳандаса, тиббиёт, кимё, меъморлик асослари, ҳаттотлик, мусиқа, ахлоқ, нотиқлик каби фанлар ўқитилмаслигига ва бошқа жиҳатларига оид маълумотларнинг берилиши, қандай баён усулида берилишидан қатъий назар китобхон

⁵ А.Рустамов. Маҳмуд Замахшарий. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1971, 8 бет.

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти – Т.: 2003, 347-376 бетлар.

тафаккурини бойитади. Ўзи кузатаётган қаҳрамонни, теран идрок қилдиради.

Худди шундай, мударриснинг салоҳияти, эътиқоди унинг таълимига ёхуд Маҳмуднинг ихлоси тасвири муносабати ила романнавис даврга хос, бош мударрис мансуб ва кейинчалик Маҳмуд Замахшарий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган муътазила диний-фалсавий оқим тўғрисида ҳам батафсил тушунчалар бериш фойдадан ҳоли бўлмаслигини тўғри хис қилади. Бу оқимнинг шаклланишини, ислом тарихида тутган ўрнини тушунтиришдан аввал сўзнинг ўзига изоҳ беради: бу сўз араб тилида “азл” яъни “ажралиб чиққан”, “узоқлашган” маъноларни англатади. Шу тариқа мазкур оқимга таъриф, тавсиф берувчи манбалардан мақсадга мувофиқ иқтибослар келтириб уларга муносабат билдириш орқали воқеалар давомига навбат берилади.

Романнавис бадиий тўқималар руҳига ҳам мавжуд илмий далиллар, ҳақиқатларни сингдиришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонлар мулоқати, уларнинг ўй-хаёллари Маҳмуд Замахшарийнинг бизгача етиб келган донишона фикрлари ёхуднинг унинг асарлари моҳиятидан олинган маълумотлар билан зийнатланиб боради. Масалан, илмга ташна Маҳмуд бир йил ичида кўплаб китобларни мутолаа қилиб ва ўзлаштириб бош мударрис абу Музар Исфакхонийнинг ишончини қозонади. Шунда устози бетоб бўлиб қолади, шогирд уни кўргани боради ва устозининг хаттот ўғли Абдулла билан танишади. Абдулла билан кейинга учрашувда Маҳмуд унга ёзаётган нарсаларидан қуйидагича намуналар ўқийди:

“Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан ёд эт, гарчанд у сендан узоқ масофада бўлса ҳам.

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юрган йўлдан ҳам ҳайбатлироқдир.

“Ҳалол-покиза киши доим хотиржам-у тинчликдадир, бировга хиёнат ва ёмонлик қиладиган киши эса нотинчлик-у ҳалокатга гирифдордир”.⁷

⁷ Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. Тошкент.: Янги аср авлоди. 2006, 66-68 бет.

Илк уринишларидаёқ Хоразм валийси Ануштагин ва унинг атрофидаги аёлларнинг илм-маърифатларини кадрламасликларини Маҳмуд идрок этади. Бу ҳолатдан устози ҳам хафа. У ҳам Исфаҳондаги салжукий султон Маликшоҳнинг вазири Низомул мулк сингари зукко, илмпарвар, халқпарвар зотни орзулайди. Маҳмуд кейинроқ шу доно вазирга қасида битган ва уни Исфаҳонга жўнатади. “Эшитишича, Абу Ҳамид Ғаззолий сингари алломали замонлар, Умар Хайём, Муиззий, Тантароний, Туғройи каби шоирлар салжукийлар пойтахтида эмин-эркин ижод қиларкан...”⁸ (53-бет).

Маликшоҳ Маҳмуд Замахшарийнинг “Нузхат ул-мустаънис” (“Ҳамсухбатлар роҳати”) китобини маъқуллаб, уни мукофатлайди ва мударрис сифатида ишга олади, ҳовли билан таъминлайди. Маҳмуд Замахшарий фаол илмий-ижодий иш олиб боради. Қатор китоблар битади, шеърлари билан ҳам шуҳрат топади. Аммо бундаги соғлом муҳит ҳам жуда узоқ давом этмайди. Вазир Низомулмулк билан Исфаҳон уламолари ичида обрў-эътибор топган Ҳасан Саббоҳ ўртасидаги низо жиддийлашади. Валиаҳд танлашлар муносабати билан келишмовчилик кучайиб, Туркон хотун ўз мавқеини кўтаради. Малика ҳатто Маҳмуд Замахшарийни чақириб, шундай дейди:”...Тўғри, вазир Низомулмулк илму урфон аҳлига ҳомийлик қилиб, уларнинг бошини силайди. Лекин илму урфон аҳлини ўз томонига оғдириб, салтанат биносини бузишга киришди... Ул зотнинг кибру ҳавосини пасайтириб қўйиш учун таъсирли бир шеър битсангиз. Не истагингиз бўлса, бажо қилинур... Сийму зарни аямайман...”

Алломанинг бу ноҳақ ишга қўл уриши асло мумкин бўлмаган бир иш эди. Низомия мадрасасида унинг “Ал-муъжам ул-арабий-форсий” (“Арабча-форсча луғат”), “Илм ул-тасаввуф” (“Тасаввуф илми”) китоблари қизгин муҳокама бўлади. Абу Ҳамид Ғаззолий, Умар Хайёмлар муҳокамада жозибадор мактовлар айтишади. Низомулмулк ўз яқинлари билан Маккаи мукаррамага кетади. У Боғдод яқинидаги бир қишлоқда эски душмани Ҳасан Саббоҳнинг хуфияси томонидан қатл этилади. Маҳмуд Замахшарий

⁸Ўша манба 53-бет

Низомулмулкнинг ўғли Убайдуллоҳни паноҳ тортиб Нишопурга келиб икки йил яшайди. Бу ерда ҳам аҳвол оғирлашгач, Сарахсга келади. Зайниддин ибн Ҳасан ҳазратлари билан яқин бўлади. Хонадон соҳибининг, ар-Розий, ибн Синонинг талай китоблари билан танишади. Унга шогирд тушиб тиб илми, амалиёти билан шуғулланади.

Ўқувчи ана шу воқеалар мобайнида Ғаззолий, Умар Хайём, Зайниддин ибн Ҳасан ва бошқа олимлар билан ҳам яқиндан танишиш, улар сиймосини кўз олдига келтириш имкониятига эга бўлади. Маҳмуд Замахшарийнинг янги бир қиррасини- унинг шоирлик салоҳиятини кузатади. Алломанинг турли мавзулардаги фалсафий, поэтик жиҳатдан ўткир шеърлари ўқувчи диққатини тартади. Романнавис Маҳмуд Замахшарий шеъриятидан намуналар, парчаларни мулоқотлар мантиғига кўра, воқеалар оқимининг тақозаларига биноан ўрни-ўрни билан ўқувчига ҳавола этади. Бу намуналарни Музаффар Аҳмад таржима қилган. Замахшарий воқеалар тўфонини тафаккур қилар экан, Нишопурда шундай сатрлар битади:

Вужудда ҳукм сурса нодонлик туни,
Ул кўнгилда отмас илму фан тонги.
Илму фанга ихлос қўйган ҳар банда
Қолмагай ҳеч нодонликнинг қўлинда.
Вужудда илм ёнса, зулмат бўлур фош,
Илм шуъласи қалб порлаган қуёш.

Сарахсда аллома бир йил қолиб кетади ва “Арабларнинг мақоллари ва маталларини чуқур ўрганиш ҳақида” номли машҳур китобини тугаллайди.

Таъкидлаш жоизки, қайси йўсинда бўлмасин, романда алломанинг асарларидан энг зарур, ибратли парчалар бериб борилади ва улар асосий воқеалар оқимиға ҳалал бермайди, аксинча улар китобхонни тобора қизиқтириб боради, киши шу билимларни ўзлаштириб олгиси келади. Алломанинг асарларидан бири “Атвоқ уз-заҳаб фил мавоизи вал-хутаб” бўлиб, уни қисқача “Олтин шодалар” деб ҳам аташади. У ўғит, насиҳатлардан иборат. Маҳмуд Замахшарий унда ҳаётда кўрган-кечирганлари, эшитганлари,

ўқиганлари ва ҳаётдан чиқарган хулосалари асосида жуда қимматли панду насиҳатларини баён этган. Китоб мақолаларида одабийлик, жавонмардлик, комийлик, самимийлик улуғланиб, тамагирлик, товламачилик, хиёнат, иккиюзламачилик, шуҳратпарастлик каби кўплаб иллатлар қораланади. Романнавис мавриди келганда ҳеч қандай иқтибосни қизғанмай тўғри қилади, шу асарни шарҳлар экан, бас, кетма-кет ўнга яқин ўғитни китобхонга ҳавола қилиб кетади. Масалан, ўша ўғитлардан қисқача парчалар:

“Кишининг қадрини дину диёрати ва илму маърифати ошириб қўйгандан кейин унинг фақирлиги ва етимлиги тушириб қўя олмайди. Шунингдек, ёмон сифатлари ва нодонлиги туфайли ўз қадрини ўзи тушириб қўйган бўлса, ҳеч вақт бойлик ёки кўп авлодлик билан уни тиклай олмайди...”

“Инсоннинг асл отаси- бу унинг адабидир... Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир...”

“Эй, одамзот, аслинг лой-сополдан бўлишига қарамай, ота-боболаринг, гоҳида бойлигу иқболнинг билан фахрланиб такаббурланасан-а?! Аждодларингга қувониб ўзгаларни менсимай юришинг сенга лойиқ сифатлардан эмас...”

“Энг бахтли одам шуки, у хушсуҳбат ва файз-шукуҳли бўлиб, обрўсини сақлаш учун қалқон қилиб юрадиган, ўз омборчисига доимо бойлигидан эҳсон қилишни буюрадиган, хазиначисига доим муҳтожларга ёрдам кўрсатишни амр қиладиган, ўз нафси ҳавосижўш урганда “жим бўл” деб босиб қўядиган, нафсонияти енгиллик қилганда уни енгиб, тинчитиб, мақтов ва тахсинга сазовор бўладиган кишидир.”

“Мардлик шундай бир улуғ хислатки, у Аллоҳнинг розилигини топишга василадир. Саховат шундай бир сифатки, уни доимо мақтов ила ёд этурлар. Номардлик эса шундай бир иллатки, унингдек хунук нарсани кўрмадим...”⁹

Китобхон романда бошдан-охир асар бош қаҳрамони Маҳмуд Замахшарий теграсида, унинг илми, маърифати, асарларининг мазмун-моҳияти атрофида ўралашиб қолмайди, албатта. Турли воқеалар, тақдирлар тақозаси ила, бунда

⁹ Ўша манба 74-75 бетлар

ҳам Умар Хайём, Ғаззолий, Хорун ар-Рашид сиймоси асарда пайдо бўлади ва ўқувчи улар ижоди билан ҳам йўл-йўлакай танишади. Қаҳрамон ўй-кечинмалари бизга жаҳонгашта шоир Абул Аъло ал-Маарийнинг воқеалар, зиддиятларга ҳамоҳанг айтилган, дунёнинг яхши-ёмон томонларини таъсирчан поэтик тавсифлаган байтларини ҳавола этади:

Жамият-ёв лашкари, сафларда биз қуллармиз,
Унда сўз тутқун, ҳақиқат бўлса-кўру кармиз.
Нафратим сенга, текинхўр, бедаво ҳокимият,
Сен-уруш, қирғин эурсан, сенга ёт қутлуғ ният.
Зўравонларнинг талону ҳукмига нафратларим,
Бу ҳаёт қонли тегирмонки, абад нафратладим.
Ҳаю ҳайт! Майли, бўлай ваҳший, ялонғоч зотман,
Аммо муртад ҳукмдорлар ҳукмидан озодман!...¹⁰

Романнинг тўққизинчи фасли “Мақомалар” деб номланган. Ёзувчи “мақома” сўзининг этимологияси, бу жанр тарихи билан таништиради: бир замонлар муайян қабила аъзолари тўпланадиган жойни араблар шу ном билан аташган бўлса, кейинчалик шоир, адиб, уламоларнинг мажлислари, мажлисларда айтиладиган ибратли ҳикояларни мақома деб аташган. Араб адабиётида мақома жанрининг асосчиси Бадиъ уз-Замон Ҳамадоний (969-1008) саналади. Ал-Ҳаририй ижодида жанр янада юксакка кўтарилган. Унинг эллик мақомаси ўта машҳур бўлиб кетган. Уларга ҳатто шарҳлар ёзиш адиблар, тилшунос олимлар ўртасида анъана тусини олган. Замахшарий қофияси, фасоҳати яхши, аммо ғояси хато мақомаларни танқид қилади. Ўзи “Мақомати Замахшарий” китоби устида ишлайди. Романда алломанинг ушбу асаридан “Тақво”, “Ризвон”, “Пушаймонлик”, “Марошид”(йўл кўрсатувчи), “Таййиб”(яхши амаллар), “Қаноат”, “Таваққуъ”(ўзини сақлаш), “Тавҳид”

(Аллоҳнинг ягоналиги) мақомалари ўрин олган. Аллома бу эллик мақомасида турли мавзуларни қаламга олган. Мақомалар ҳикматли сўзлар, мақоллар, маталлар,

¹⁰ Ўша манба 89-бет.

масаллар, хикоятлар, шеърий парчалар билан безалган. П.Шермухамедов барча мақомаларнинг номма-ном рўйхатини келтиради.

Асарнинг ўнта мақомаси шеърий парча билан якунлангани, улар ҳам санаб ўтилган. Ҳаммаси бўлиб асарда алломанинг қирқ бир байт шеъри бор. Қирқ тўққиз мақомасининг исноди бир хил, яъни уларнинг ҳар бири “Эй, Абул Қосим” деган ўз-ўзига мурожаат билан бошланган.

Маккада аллома катта илмий имкониятларга эга бўлади, уни ҳоким ибн Вахҳос ҳар тамонлама қўллаб-қувватлайди. Бу Макка амири шаънига Маҳмуд Замахшарий бир неча қасидалар битган. “Ал-Муфассал” китобини битади: исмлар боби, феъллар боби, ҳарфлар, ёрдамчи сўзлар боби, муштарак боблардан ташкил топган бу китобнинг кейинчалик мухтасар, содда нусхасини ҳам тайёрлайди: “Наҳв фанидан намуна”.

Аллома Рашидиддин Ватвот шоирдан мактуб ва шоирнинг шеър санъатлари ҳақидаги рисоласи келади. Шу муносабат билан мазкур шоирнинг ўзи хос ҳаёти воқеалари, унинг шеърляти, бошқаларга ўхшамас бир услуби ҳақида фикр юритилади. Маҳмуд Замахшарий шогирди Тохир билан Ватвот юборган шеър санъатлари тўғрисидаги рисоланинг турли саҳифалари билан танишар экан, табиийки, китобхонлар бу ҳунардаги қизиқарли санъатлар, уларнинг ажойиб мисолларига, тағмаъноларнинг таъсирчанлигига гувоҳ бўлишади. Умуман, Маккадаги ҳаёт муносабати билан бош қаҳрамон орқали илмий-маърифий руҳ асарда ўзга фаслларга қараганда янада кучайгандек таассурот уйғотади.

Милодий 1123 йилда Маҳмуд Замахшарий яна она юртини ташлаб, Маккага кетади. Юртида маълум муддат мударрислик қилди ва кўрдик, шоҳларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди, улар баҳор ҳавосидай беқарор. Шогирди Аҳмад ибн Ҳомидни бегуноҳ душман тарафга хизмат қилганликда айблашди, бу фожиа аллома қалбини қаттиқ оғритди. Хоразмшоҳ вазири ўзига ҳам эътирозлар билдириб юрибди, алломага қарши ҳам иш кўзғаб қолишларига кафолат йўқ. Шом йўлида жойлашган Тадмур қалъаси билан яқиндан танишиш мақсадида Абул Қосим (Маҳмуд Замахшарий) бу ерни айланади. Тарихни хотирлайди. Шом ҳокими Музаффариддун Мусо алломани Дамашққа ҳам чорлаган эди. У “Ал-Муфассал”ни

ёктириб қолган. “Кимда-ким бу китобни ёд олса, унга беш минг кумуш танга, бошдан-оёқ сарпо берилади” деб эълон қилган. Фаробий қабрини зиёрат экан, ўқувчи Фаробий даҳосига доир маълумотлар билан танишади. Замахшарий Дамашқда олти ой яшайди. Яна Макка амири Ваҳхос ҳузурига йўл олади. У ердаги биринчи иши девон тартиб қилиш бўлди.

Маълумки, Маҳмуд Замахшарийнинг улуғ лақаб-мақтовларидан бири “Жоруллоҳ”дир. Ўн учинчи фасл шу ном билан аталади ва алломанинг қуйидаги сўзлари эпиграф қилиб келтирилади:

“Шукроналаримнинг улуғ белгиси бўлсин деган мақсадда Маккатуллоҳда–Аллоҳ таолонинг уйида Яратганга қўшни (“Жоруллоҳ”) бўлиб яшамокни ният қилдим. Зеро, бу исм менинг кўнглимга хуш келди”.¹¹

Аллома энди Қуръони Карим тафсирига бағишланган “Ал-Кашшоф” асарини ёзиб тугаллайди. Дўсти Ибн Ваҳхос Макка амири сифатига уни Жоруллоҳ унвони билан шарафлашни таклиф қилади. Сўнгра аллома “Робиъул-аброр ва нусус ул-ахбор” (“Яхшилар баҳори ва хабарлар баёни”) китобини таълиф қилади. Китоб 98 бобдан иборат. Китобда табиат ва жамият ҳаётига тегишли диний-ахлоқий масалалар, қушлар дунёси, ҳаёвонот олами, талай жойлар, алломалар ҳаёти далилларига мурожаат этилган. Бобларнинг 42таси одоб-ахлоқ, 24таси дин, 7таси ҳайвонот олами, 5таси жўғрофия, 20таси турли масалаларга бағишланган. Унда қизиқарли, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, латифалар, шеърлар ҳам кўп.

Кузатаётганимиз масалалар нуқтаи назаридан “Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” илмий-маърифий романининг ўн бешинчи фасли (“Қайтдим олис сафарлардан...”) янада характерлидир. Унда аллома ўз она юртида экани тасвирланади. Маълумки, у Хоразмдаги бу давр ҳаёти мобайнида ҳам бир қатор китоблар ёзади. “Муқаддамат-ул-адаб” (“Адаб илмига кириш”)ни ёзишга қадар ҳам Хоразмий луғатшунослик илмида бой тажриба тўплаган, шу соҳага доир талай рисоалар ёзган эди.

Шу ўринда бир муҳим масалани тилга олиб ўтишга тўғри келади. Ҳар ким ҳам луғат китобини битишга журъат қила олмас эди. Негаки, бу соҳани билишни, бу

¹¹Ўша манба. 171-бет.

сохада асар битишни истаган илму урфон вакили тилларни яхши билишдан ташқари илму-л-нахв, илму-ус-сарф, илму-л-маъоний, илму-л-баён, илму-л-бадманиҳам чуқур билмоғи жоиз. Аллома “Ал-Фойиқ фи ғариби-л-ҳадис” ва “Асос-ул-балоға” асарлари билан ислом оламида чуқур эътироф топган эди.

“... Маҳмуд Замахшарий “Ал-Фойиқ фи ғариби-л-ҳадис”ни маънолари берилган сўзлар йиғиндиси эмас, балки, ўқиш, таҳсил қилиш ва зиёли бўлиш учун зарур илмларни қизиқарли баён қилувчи асар даражасига етказа олганини кўрамыз...

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ҳадис луғатлари Қуръон луғатлари каби араб лексикографияси тарихида жуда катта ўрин эгаллаши Маҳмуд Замахшарийнинг ушбу луғати билан боғлиқдир. Бу луғатга ҳамма даврларда юксак баҳо берилиб, худди шу луғат туфайли аллома Замахшарий фақат улуғ луғатнавис эмас, балки муҳаддис олим сифатида ҳам танилган”.¹²

“Асосул-балоға” араб тили бўйича тузилган луғатлардан бўлиб, у ҳам катта шуҳрат қозонди. Унинг тузилиши, мақсад-вазифалари, буларнинг ҳам этилиши нуқтаи назаридан барча илм аҳли эътиборини ўзига тортгани бежиз эмас.

Танқили тилшунос олима Сулаймонова шундай ёзади: “Асос-ул-балоға” араб алифбосига мувофиқ 28та ҳарфга бўлинган бўлиб, 3742та сўзни ўз ичига олади. Муаллиф ҳар бир ҳарф қисмини “боб” деб номлаган. Боблар ўз навбатида сўзнинг иккинчи ўзак ундошига мувофиқ қисмларга ажратилган ва улар “фасл” деб аталган. Ҳар бир фаслни ташкил этувчи луғат мақолалар ҳам ўз навбатида бош сўз ўзагининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ундошларига мувофиқ алифбо тартибида жойлаштирилган”.¹³

Олима асарнинг манбашунослик тадқиқини амалга оширар экан, “Асос-ул-балоға”, яъни “Балоғат асослари”нинг фазлларига, илмда тутган юксак мавқеига эътиборни тортади.

П.Шермухамедов мазкур фаслда, шунингдек, етук шарқшунос олимлар А.Рустамий, З.Исломов тадқиқотларидан унумли фойдаланиб алломанинг талай

¹² Қориев Ў. Замахшарий тилшунос, адабиётчи ва шоир: “Хоразмлик буюк аллома”, Тошкент, Янги аср авлоди, 2006.65-66 –б.

¹³ Сулаймонова Н.А. Маҳмуд Замахшарий “Асос-ул-балоға” асарининг манбашунослик тадқиқи. Филол.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Тошкент, 2007, 11-б.

асарларини шарҳлайди, тасвирлайди. Профессор З.Исломовнинг тадқиқоти асосида “Муқаддамату-л-адаб”да қўлланилган 6342та туркий феъллардан қатор-қатор намуналар келтиради. Шунингдек, А.Рустамий китобидаги маълумотларидан фойдаланган ҳолда, романнавис айни фаслда юзга яқин ҳайвон номлари билан боғлиқ сўзларни келтириб ўтади.

Ёзувчи айниқса “Муқаддамату-л-адаб” шарҳида яна қатор адиблар, олимлар, шарқшунослар (С.Айний, Саидбек Ҳасанов, Н.Н.Поппе ва бошқалар) асарларига мурожаат этган. Тасвирда бу батафсил ифодаги берилиш, бизнингча, мазкур мавзудаги илмий-маърифий асар учун ўринлидир. Зеро, Маҳмуд Замахшарийнинг кўпчилик асарлари мазмун-моҳияти кенг китобхонларга етиб борган эмас. Бундан ташқари махсус илмлар доирасида қилинибкелинаётган илмий ишлар тор олимлар гуруҳи эътиборидагина қолиб кетаётганлиги ҳам сир эмас.

Романнинг сўнги фасллари ҳам Маҳмуд Замахшарий ҳаёти, илмий салоҳиятининг ана шундай жаҳоншумул, улкан қирралари ҳақидаги маълумотларга жуда бой. Унда тасвирланишича, аллома Харазмшоҳнинг фармониغا кўра маълум муддат (олти ой) қозилик лавозимида фаолият юритади, адолатли ҳукмлар чиқаришнинг чинакам намунасини кўрсатади. Сўнгра яна хонанишин яшай бошлайди. Харазмшоҳ уни бош мударрислик лавозимига тайинлайди. Табиийки, аллома илм риёзатидан бир зум ҳам чекинмаган ва яна талай асарлар битган.

П.Шермухаммедов турли муносабатларни ҳаётӣй-бадӣй талқин қилиш орқали алломанинг навбатдаги асарлари мазмун-моҳияти, мундарижасини ёритиш йўлини асар охиригача давом қилдиради. Бу ҳол, айни чоқда, зийрак китобхонга илмий-маърифий насрнинг ана шундай ўзига хос жиҳатларини ҳам идрок эттиради.

Кўринадики, фақат илмийлик ҳам ва ёки фақат бадӣйлик ҳам илмий-маърифий руҳни, пафосни, талқинни ҳосил қила олмайди. Уларнинг уйғунлигида кечадиган воқелик, қаҳрамонлар ҳаракати, ёзувчи баён, шарҳ, изоҳларигина илмийлик-маърифийликни таъмин эта олади. айни пайтда, бундай талқин ўзига хос оғир, мураккаб тарихий воқеликни, илмий, адабий мероси китобхонга анчайин нотаниш бўлган сиймоси, унинг асарлари мазмуни, қадр-қимматини ўқувчига осон, равон етказишнинг адабий ижоддаги ёрқин усулдир.

II.2. “Маҳмуд Хоразмийнинг сўнгги манзили” қиссасида интеллектуал характерлар талқини.

Муаллиф ўзининг “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” номли илмий-маърифий қиссаси “Муқаддима”сида асарининг ёзилишига ёшлик йилларидан туртки берган воқеалар, истаклар хусусида қизиқарли ҳикоя қилади. Бундаги маълумотлар шўро тузимининг зуғумкор мафкурасинигина идрок қилдириб қолмайди, балки, ўша даврдаги қатор тарихчи, филолог, шарқшунослик аниқ фанлар олимларининг теран нақтаи назарлари, журъат-жасоратлари, ҳақиқий илм эгаларига хос фидоийликларини ҳам бугунги авлодга таништиради. Шундай жиҳатларга кўра, “Муқаддима” тарихий мавзуга бағишланган ҳар қандай асарга тегишли ибратли ғояларга эга.

Унда айтилишича, П.Шермуҳамедовга 1959 йилнинг баҳор ойларида таниқли адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймон сўзлари ёрқин таассурот қолдирган. Олим Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих– филология факультети талабалари ҳузурига учрашувга келади. Маълумки, Ҳ.Сулаймон урушдан кейинги йилларда ҳужжатчи киночилик касбини танлаб, кейинги ҳаётини бутундай ўзбек мумтоз адабиётни тадқиқ этишга бағишлаган ва бу борада кўпчиликка хос бўлмаган улуғ ишларни амалга оширган алломадир. Чунончи, тиниб-тинчимас олим бир неча йиллар давомида Дехли, Париж, Анқара, Лондон сингари қатор хорижий шаҳарларда бўлиб, турли давраларда, турли сабабларга кўра ватанимиздан у жойларга олиб кетилган Навоий, Бобур, Хофиз Хоразмий сингари адибларимиз асарларининг кўчирма нусхаларини юртимизга қайтариб олиб келишга ҳамда у асарларини илмий муомалага киритишга эришганлар. Масалан, Навоийнинг ёшлик айёмида тузилган “Бадои –ул-бидоя” девонининг шоир ҳаётлигида кўчирилган нусхасини нашрга тайёрлаб, 1964 йилда эълон қилганлар.

П.Шермуҳамедов шундай олимлар хизматини айрича ардоқ ила эътироф этади. Таниқли адабиётшунос олима Суйима Ғаниева фаолиятини таъкидлайди. Олима Эронга кетма-кет сафарлар қилиб, не машаққадлар билан Навоийнинг шахсий муҳри ва дасхатини қўлга киритади.

Мазкур учрашувда Ҳамид Сулаймон айтган сўзлар тарихга, унинг эзгу ишларига муҳаббати жўшқин П.Шермуҳамедов калбида муҳрланиб қолади. Хусусан, Ҳамид Сулаймоннинг қуйидаги сўзларига қиссанавис алоҳида эъбор қаратади: “Энди нафакат шоирларимизнинг, балки табиий фанлар билан туғулланган аллома боболаримизнинг ҳам бой меросини ўрганиб, нашр қилиш пайти етиб келди. Шу мақсадда яқин кунлар ичида Ҳиндистонга сафар қилишни режалаштириб турибман. Бу гал Муҳаммад Хоразмий ва Абу Райхон Беруний асарлари тақдири билан ҳам қизиқмоқчиман.”¹⁴

Ҳаёти давомида муаллиф устози Максуд Шайхзодадан янада жозибадор маълумотлар олади. Шайхзоданинг мўжаз кутубхонасида Муҳаммад Хоразмийнинг асарлари, Боғдод халифалигига доир китоблар алоҳида тўриб қўйилган. Устоз алломанинг “Китоб сурати ал-арз”, “Расм ар-рубъ ал-маъмур” асарлари билан таништиради, аллома ва унинг ўзи билган асарлари ҳақидаги фикрларини айтади. Шунингдек, Муҳаммад Хоразмийнинг замин харитаси хусусида драма ёзиш нияти борлигини ҳам яширмайди.

М.Шайхзоданинг айтишича, сирли араб харитаси Ўрта асрлар Оврупосида жуғрофий олимларнинг асарлари учун асос бўлиб хизмат қилган. Аммо улар афсонавий даражага кўтарилган “Маъмун харитаси”нинг асл нусхасини қўлга кирита олмай аввора бўлишган. Натижада Оврупо олимлари эмас, ўзимизнинг айрим олимлар ҳам бундай хаританинг борлигига шубҳаланиб қарашган. Аслида у бор. Халифа харитани тайёрлашга жуда кўплаб олимларни жалб этган экан. Қомусий аллома Муҳаммад Хоразмий фалаккиёт, риёзат, тарих, жуғрофия сингари соҳалардаги кўплаб олимларга бош-қош бўлган. Унинг “Ернинг сурати” китоби ўша “Маъмун харита”сининг изоҳларидир.

П.Шермуҳамедов бу борадаги орзу-истаклари ривожининг машҳур олим, академик Иброҳим Мўминов билан боғлиқ воқеаларни ҳам бежиз ҳикоя қилмайди. У кишининг Амир Темур шахси, салоҳияти, жаҳон тарихидаги юксак мақомига доир ҳақиқатни тиклашдаги хизматларини алоҳида таъкидлаган ва баён қилган

¹⁴ Шермуҳамедов П. “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” номли илмий-маърифий қисса. Т, НОШИР: 2011, 4-б.

холда, қиссанавис унинг Муҳаммад Хоразмий ҳақидаги айрим қарашларини ҳам китобхонлар эътиборига хавола этади.

“Алломанинг ҳинд рақамларига асосланган “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” асари ҳозирги биз фойдаланаётган электрон ҳисоблаш системаси ЕҲМлар (компьютерлар) кенг тарқалишига сабаб бўлган. Минг афсуски, буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва серқирра илмий фаолияти ҳақида бирон-бир йирикрок асар ёзилмаган”.¹⁵

Бу даврдаги тўғри олимона нуқтаи назарлар ва ҳаракатларнинг нақадар қаршилиқларга учраганини, балоларга гирифтор бўлишлик осонлигини П.Шермухамедов келтирган ва Ҳамид Сулаймоннинг “Тарихни сохталаштириш даври эсталиклари” китобидан келтирилган ҳаётий воқеалар ҳам ҳозирги китобхонга чуқур ҳис қилдира олади деб ўйлаймиз. Ҳамид Сулаймон “Тарихни сохталаштириш даври эсталиклари”да Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур фаолиятини ҳалол, холис, тўғри ўрганиш учун нақадар кўп ҳаракат қилгани, ўзининг катта мавқе ва эътирофга сазовор бўлишига қарамасдан катта хавфлар остида бу фаолиятни қизғин олиб боргани баён этилади.

Жасоратли ёш олимлар ёки ўтмиш тарихини яхши билган ёш мутахассислар камёб бўлгани учун бу ишга академикнинг ўзи қаттиқ киришгани, ниҳоят, академия Президиумининг кенгайтирилган йиғилишида олимнинг китоби муҳокамага қўйилиб, маърузаси тинглангани (1968 йил, 5 май), кўпчиликни қўрқув босгани, Яҳё Ғуломов, Отабек Эшонов, Шавкат Ўразаев, Ҳамид Сулаймонов, Борис Луниев, Л.И.Реипель, Музаффар Хайруллаев, Марат Нурмухамедов, Ольга Чехович, Ҳамидулла Иноятовларнинг асарни ёқлагани, 1968 йилда Иброҳим Мўминовнинг “Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” номли машҳур китоби ўзбек ва рус тилларида нашр этилгани қизиқарли, таъсирчан ҳикоя қилинади. Орадан кўп вақт ўтмай, бир гуруҳ олимлар – Мавлон Ваҳобов, Маҳкам Абдураимов, Рашид Набиев ва бошқалар Москва матбуотида мақолалар билан чиқиб, Иброҳим Мўминовни Амир Темур шахсини идеаллаштиришда айблашади.

¹⁵ Ўша асар. 8-б.

Тарихчи Мавлон Ваҳобов Иброҳим Мўминовни катта минбарлардан туриб танқид қилишда давом этади.

Муаллиф асар “Муқаддима”сида юқоридаги воқеалар баҳонасида ўз бошидан ўтган муайян машаққатлар хусусида ҳам тўхталади. Хусусан, у “Шарқ юлдузи” журнали муҳаррирлигидан бўшашга мажбур бўлиб, маълум муддат Ашхабодга кетганлиги ва у ерда ҳам Муҳаммад Хоразмий бобидаги истаклари уни тарк этмаганини ифода қилади. “Муқаддима” қуйидагича тугалланади:

“Ростини айтай. Кўрган тушим сабаб бўлиб, (тушида раҳматли Иброҳим Мўминов ёнига келиб, хафа бўлмаслигини, ташвишлардан қутилиб олганини айтади, Муҳаммад Хоразмий ҳақида асар ёзишга даъват қилади). У шу кун Ашхабоднинг Марказий кутубхонасини излаб топдим. Бу ерда муқим ўтириб, бир ой давомида Муҳаммад Хоразмийнинг айрим асарлари билан танишишга муваффақ бўлдим. Лекин Тошкентга қайтиб келишим билан бу мавзу яна орқага сурилиб, тақдирнинг тақозоси туфайли Орол денгизи муаммолари билан банд бўлиб қолдим. Ва ниҳоят, орадан анча йиллар ўтиб, маънавий устозларим Иброҳим Мўминов ва Ҳамид Сулаймонларнинг орзу-истакларини адо қилишнинг пайти етиб келганини тушундим. Ахир инсон умри чекланган бўлса... Бу эзгу ниятни қачон юзага чиқараман? Бунини энди ёзмасам, қачон ёзаман?...”¹⁶

“Муқаддима”ни батафсилроқ эътиборга олишимиз ва таҳлил этишимиздан мақсад ундан чиқадиган хулосалардир. Аввало шуки, ҳар қандай соҳа олими, тадқиқотчиси, адабий ижодкор қайси замонда яшашидан қатъи назар, қандай жамиятнинг қандай ғоялари, мафкураси таъсирлари остида бўлишидан қатъий назар мозийга ўз даври воқеа-ҳодисаларига объектив, холис, адолатли дунёқараш билан ёндашишга масъулдир. Унинг илмий, ижодий фаолияти натижаларининг келажагини ҳам худди шундай позициягина таъмин этади. Воқеалардан кўриндики, аксарият илм соҳиблари давр мафкурасининг воситачисига айланганлар. Шундан узоқни кўра олмасликлари оқибатида мустабид тузум ҳукмронлари кимни қораласа ўшани қоралаб, нимани мақтаса, ўшани мадҳ этиб кетаверадилар. Ёки ҳақиқатни

¹⁶ Ўша асар. 14-б.

текшириб, тафаккур қилиб кўрмасдан зўравон ғоялар ва қарашларга кўр-кўрона эргашиб кетаверадилар.

Яна бир олинадиган хулоса шуки, ҳақиқат эгилади, бироқ синмайди. У бир куни албатта тантана қилади, ғолиблигини кўрсатади. “Муқаддима”да эҳтиром билан тилга олинган М.Шайхзода, Ҳ.Сулаймон, И.Мўминов сингари адиб ва олимларнинг заҳматлари беиз кетмаганлигини ўзбек халқининг бугунги авлодлари ҳам яхши билади. П.Шермухамедовнинг воқеий лавҳалари бу эҳтиромни яна бир қарра тасдиқлайди.

Ҳ.Сулаймон бошлаган ишнинг-дунёнинг қайси буржидан бўлмасин, ўз алломаларимиз яратган асарларнинг топиб келтирилиши анъанаси маълум даражада давом эттирилган бўлса-да, ҳамон бу фаолиятга эҳтиёжимиз жуда катталигини ҳам мазкур қарашлардан идрок этамиз. Шунингдек, қанчадан-қанча мутафаккирларимизнинг асарлари ҳам араб тилидан ўз тилимизга ўгирилишини, чоп этилишини кутиб турганлиги ҳам сир эмас.

Муаллиф “Муқаддима”да келтирган барча маълумотлар, улардан чиқадиган хулосалар унинг ўзини асослаши учун ёхуд тарихдан воқифлигини исботлаш учун эмас. Улар ҳар бир кишига тарихга ва ўз замонасига муносабат йўсинини белгилаш ибратлари ҳамдир. Шунингдек, гап асосан Маҳмуд Хоразмий ҳаёти, ижоди ҳақида кечса ҳам, ўтмишдаги яна кўплаб донишманд олиму ижодкорларимизга муносабат борасида ҳам тўғри қарашлар барқарорлиги лозимлиги П.Шермухамедов мулоҳазалари орқали тафаккур қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман эса, китобхонга керакли бу маълумотларнинг берилиши асарнинг мутоаласига кенг йўл очган десак, муболаға бўлмайди. Хоразмлик буюк адиб-аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг жаҳон илм-фан тарихидаги ўчмас ўрнига бағишланган айни насрий асар ичида мазкур асар яратилишига доир турткилар ва умумий маънавий эҳтиёж тарихини ифодалаб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён.

“Буюк аллома ҳақида қисса” деб номланган мақоласида тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов Муҳаммад Хоразмийнинг жаҳон илм-фани ривожигаги улуғ

хизматларини тасвирлайди: унинг илмий ишлари математика фани тарихида янги даврни-Ўрта асрлар математикаси даврини бошлаб берди, бу алгебранинг кейинги асарларидаги юксак тараққиётига пойдевор бўлиб қолди; у дунё илм-фанига биринчи бўлиб ўнлик позицион ҳисоблаш системасини яратди ва шунга асосланган амаллар тизимини ишлаб чиқди; у ўз даврининг таниқли астрономи, географи, тарихчиси ҳамдир; “Зижи ал-Хоразмий” рисоласи астрономия илмида инқилоб ясаган асар эди; унинг “Сурати-л-арз” (“Ернинг сурати”) рисоласида Шарқ Уйғониш даврида биринчилардан бўлиб етти иқлимга бўлинган дунё харитаси чизиб берилган: афсуски, Муҳаммад Хоразмийнинг, нафақат унинг, бошқа олимларимизнинг ҳам илмий натижалари, хорижий, ғарб оламида ўзлаштирилиб олинган бўлса-да, уларга аксарият ҳолда нописандлик билан қараб келинди ва ҳоказо.

Умуман олганда, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа қатор қомусий алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида бадиий асарлар ёзиш мумкин бўлган адибларнинг кам сонли эканлиги адабий жараёндаги афсусланарли ҳолдир. XX аср адабиётида эса муайян уринишлар, тажрибалар бўлгани ҳолда, ўша тарихни ҳозиргилардан нисбатан яхшироқ биладиган адибларга бемалол ёзиш имконияти бўлмади ва уларда тарихий мавзулар режалигича, орзулигича қолиб кетди. Масалан, тарихий мавзулар қиссанависи бўлган адиб Миркарим Осим “Алжабрнинг туғилиши” номли ҳикоясини ёзган эди. Бу ҳикоя китобхонларимизни Муҳаммад Хоразмийнинг ҳаёти билан жанр имконияти даражасида таништира олган эди.

Шу маънода ҳам таниқли олим ва адиб Пирмат Шермуҳамедовнинг маънавий-маърифий, илмий тарихимизнинг юксак юлдузлари ҳаётига бағишланган қатор насрий асарлари, жумладан, Муҳаммад Хоразмий ҳақидаги бадиий-илмий, маърифий асари қимматлидир. Асарда аммоманинг ёшлиги, унинг илмга чанқоқ йиллари, ташвишлари, қувончлари, илмий сафарлари, баҳслари, мунозарали давралари чуқур акс эттирилган. У яшаган даврнинг ижтимоий-маданий муҳити, халифалар ҳаёти, ҳар бир олимнинг ўзига хос маънавий, руҳий олами, уларнинг ички кечинмалари анчайин ҳаққоният ила тасвирлаб берилган.

Асар воқеалари милодий 847 йилдан, яъни Муҳаммад Хоразмийнинг ва умуман Маъмун вафотидан кейин, “Байт ул-ҳикма” академиясининг ишлари орқага кетган кунларидан бошланади. Асардаги куз фаслининг ўзига хос тасвири ҳам бош қаҳрамон руҳияти, аҳволотига уйғун, мос. Олим ўз хонадонида чуқур ўйларга ботган. Янги халифалар характерлари халифа Маъмунники сингари бўлмади. Аниқроғи, уларнинг илм аҳлини ҳар куйга солишлари бошланди. Муҳаммад Хоразмий илмда катта зафарлар кучган эсада, шунча йиллар Боғдоддаги бу машҳур “Байт ул-ҳикма” илму ирфон аҳлига раислик қилган бўлса-да, энди халифаликнинг ўзгача сиёсати туфайли бу ерни тарк етишга жазм қилиб турибди. Бироқ, у бунда ўтган йилларидан надомат қилмайди. Шу кунларда хонадогига шогирду ҳамкасбларининг келиб-кетишлари ҳам чекланган. Аллома инжудай сочилган юлдузларни берилиб томоша қилади: Етти оғайни, Темир қозик, Тарозу, Хулкар, Зухро... улар ҳақидаги мавжуд қарашлар, ўзлари эришган илмлар, шунингдек, уларнинг ҳар бири ҳақидаги талай ривоятлар, ҳикоятлар ва афсоналарни хотирадан ўтказди. Ҳозирдаги таназзулнинг туб сабабларини мушоҳада қилади. Маъмундан сўнг бир неча халифа алмашди.

Эсида, бир куни тонгда Холида уни уйғотиб халифа саройидан мулозим келганини айтади. Олим янги амирал-мўъминининг илм аҳлини саройга чорлаётганига ажабланмайди. Аббосийлар сулоласидан бўлиши тўққизинчи халифа Восиқ Муътасимнинг ўғли ва Хорун ар-Рашиднинг невараси даврлари, ҳар қалай, илм аҳли учун анча алғов-далғовли кечди.

Халифа Восиқ билан қиссанавис ўз китобхонларини инглиз ёзувчиси Вильям Бекфорднинг “Ватек. Халифа Восиқ қиссаси”даги тасвир-талқинлар ёрдамида таништиради. У тахтга айлани қирчиллаган йигит бўлган пайтида ўтиради. Унда ўзига хос яхши ва ёмон томонлар мужассам эди. Масалан, чеҳрасида нур бор, шижоатли, юрт ҳимояси, салтанат манфаатини, халқ аҳволини ўйловчи бўлса-да, кескин хулосалар чиқарувчи ва ўз фикридан қайтувчи бир шахс. Бора-бора эса айш-ишрат хоҳишлари уни ўзига гирифтор этди. У кибрга берилди. У беш сарой бунёд этиб, уларнинг ҳар бирини бирор инсоний туйғунинг номи билан атайди. Биринчи саройни “Айём ул-адаб” атайди. Бу адабий байрам демакдир. Унда

хилма-хил шароблар, муалласлар. Иккинчи саройни муғаннию мутриблар яшайди ва ижод қилади. Учинчи сарой дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ноёб буюмлар маскани эди. Тўртинчи сарой меҳмонларга, бешинчи сарой айнан ўз маишатиға хосланган.

У олимлар билан тортишишни хуш кўради. Олимлар эса албатта, халифага ортиқча эътироз билдиришга журъат қилиша олмайди. Инъом, эҳсонлар баъзи олимларнинг нафасини батомом ўчирган. Восиқ диний масалаларда ҳам олимлар билан баҳслашиб қолар, хатто ҳақ йўлни энг тўғри ифодалаб берган фирқанинг тафаккурига зид фикрларни ҳам илгари суришдан тап тортмас эди. Шунинг учун кўп диндорларни ўзига ғойибона қарши қилиб қўйди. Салтанатдаги кўзга кўринган ҳақпарастларни таъқиб қилишга тушди. У ҳар қандай ҳолатда ҳам

ўз гапини ўтқизишга, ўзининг гаплари, ҳукумларигина тан олинишию жорий этилишини истар эди. У илмли ўсган, лекин унга амал қилмай яшаш оқибатида йўлдан тойган ҳукмдорларнинг бир тимсоли сифатида намоён бўлади.

Қанча илму ҳикматни сув қилиб ичиб юборганига қарамасдан, фуқароси уни тан олишига, ҳурмат қилишига қарамасдан, у халифа Маъмундек бўла олмади. Кибри уни йўлдан оздирди. У билмадики, ёвузлик, зўравонлик, калтабинлик билан қўлга киритилган ҳар қандай ютуқ бора-бора унинг шаъни, обрўйини ер билан яксон қилади. Восиқ табиатининг бутун иллатлари қиссадаги бир воқеада ёрқин ва таъсирчан намоён бўлади. У аҳли илмни тўплайди. Уларга кечи билан бир ойда, зудлик билан бамаслаҳат бир зойита тузишни буюради. Бу вазифага бошчилик қилишни Муҳаммад Хоразмийга юклайди. Илму ирфон аҳли, табиийки, хоҳласа-хоҳламаса бу ғалати юмушни бажаришга киришиб кетади. Яъни, ҳозирда сиҳат-саломатлиги яхши бўлмаётган, яна қанча яшаши, тахтда ўтириши мумкинлиги билинмаётган бу ҳукмдорнинг эндиги ҳаётини, оқибатларини ким ҳам аниқ башорат ила айтиб бера олмоғи мумкин? Бу ахир инсон қўлидан келмайдиган, инсон ақли-тафаккури етмайдиган иш-ку?

Олимлар аввало сарой табиблари билан кўп мулоқот қилишади. Табиблардан кеч бири халифанинг дардларига аниқ ташхис қўя олмаган. Олимлар юлдузларнинг **ройишидан** умид қиладилар – бу ҳам диярли беҳуда бир ҳолатни барпо қилади.

Тўғри, зойижа тузишнинг ўрни, ўз қоидалари бор. Бу уриниш баъзи масалаларда самара бериши ҳам бор гап. Бироқ, бу тезкор чиранишда умид учқуни, фойда кўзга ташланмаётганини диярли барча олимлар ҳис қилишади.

Зойижа тузиш учун ўрганилаётган одамнинг турмуш тарзи, ота-онаси, қариндош-уруғлари, аждодларининг қандай касалликлар билан оғригани ёхуд оғримагани аниқлаштирилади. Кўкдан муайян маълумотлар олишга ҳаракат қилинади ва ҳакозо. “... Зойижани қора бўёқларда тузиб келсанг— калланг кетиши аниқ, некбинлик руҳида тузсанг, ҳар қалай, халифанинг кўнгли ўсиб, тузалиб кетиши ҳам мумкин. Аллома халифани, ҳамкасбларини алдаши мумкин, лекин виждони олдида, Ҳақ таолло олдида нима деган одам бўлади? Бас, шундай экан, у нима қилиб бўлса ҳам, адолат йўлини маҳкам тутати. Албатта, зойижа некбин руҳида тузилади. Зеро, Расулуллоҳ ҳадисида ҳам айтилган, муроса учун айтилса, ёлғон ҳам узрийдир. Ҳа, Муҳаммад Хоразмий зойижани мақуллашдан ўзга иложи йўқ. Бу ҳақда шогирдлари, ҳамкасблари билан фикрлашиб олди. Шу йўл тутилса, ҳеч курса “Байтул-ҳикма”га зарар етмайди.”¹⁷

Орадан бир ой ўтқач, аллома бошлиқ олимлар зойижани халифага тақдим этадилар. Унда халифага узоқ умр, тахтда узоқ ўтириши, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик башорати ифода қилинган эди. Битик билан танишган халифа Восиқ чексиз қувонади. Эндигина дармонга кира бошлаган, қувончига-қувонч қўшилган халифа орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас тўсатдан вафот этади. Ишнинг бу тарзда хотималаниши Муҳаммад Хоразмийнинг ҳасадгўйлари учун, баъзи мансаб, орбў умидидагилар учун қўл келди. Янги халифа ал-Мутавакил ўз вазифасини айибдорларга жазо беришдан бошлайди. Жумладан, Муҳаммад Хоразмийни “Байтул-ҳикма” раислигидан бўшатади.

Аллома ўтмишидан, Боғдодда илм йўлида кечган умридан ўкинаётгани йўқ. Бир жиҳатдан она юртига кетиш хаёли, қачондир амалга ошириши лозим орзу бўлгани учун, унда бир бахтиёрлик ҳисси ҳам йўқ эмас. Ахир бу ерда илмга еришишдан ташқари оила қурди, фарзандли бўлди, ёр-дўст орттирди, паст-баланд, яхши-ёмонни кўрди. Қолаверса, “Байт-ул-ҳикма” ни истиқболига бўлган умид тамоман

¹⁷ Ўша асар. 26-бет.

сўнгани йўқ. Унга расадхона ишларига дўсти Холид ал-Марварудий бошчилик қилмоқда. Унинг атрофида келажагидан умид туйса арзийдиган ёш олимлар ҳам бор. Мархум аллома Мусо ибн Шокирнинг истеъдодли фарзандлари илмда ўзини кўрсата бошлади. Унинг тўнғич ўғри Муҳаммад фалакиёт илмида, ўртанчаси Аҳмад табиатшунослик илмида, кичиги Ҳасан Риёзиёт соҳасида тан олиниб келмоқда.

Аллома ўзининг барча китобларини шу ерда ёзди. У кетиш ҳаёллари ила Боғдодни сайр этади. Шаҳар кўрки саналмиш кўшкларни тамошо қилиб, хиёбонларни кезди. Дажла дарёси рўпарасида ҳаёлларга берилади. Курдистон тоғларидан бошланган бу дарё Фрот дарёси билан қўшилиб, Шаттал-Араб дарёсини ҳосил қилади. Қадимларда бу ерларда туркий, сурёний, хаттий, қибтий халқлари ватан тутган. Бу ерларда шуммерлар, бобилликлар яшаган. Ҳозирги йилларда кексалик туфайли кўзлари хиралашган Муҳаммад Хоразмий хаттот ўғли ёрдамида “Китоб-ат-таърих” рисоласининг давоми устида иш олиб бормоқда. Воқеалар тўфони гарчи унга тинчлик бермай турган бўлса ҳам, ўй-ҳаёлида илм-фанда очилиши керак бўлган муҳим масала, муаммолар устида бош қотиришдан чекинган эмас.

“– Падари бузруквор, – дейди солиҳ, илмли хаттот ўғил, – Сизни недир қийнаб келаётганини сезиб юрибман. Англашимча, бунинг боиси зинҳор халифа саройида хизматингизнинг қадрланмагани эмас. Зеро, илму-ирфон аҳли бу борада иззатингизни жойига қўйиб, китобларингизни кўзига суртиб, мутолаа қилаётганидан хабарим бор. Сизни кўпдан буён киндик қонингиз тўкилган тупроқ – ватан меҳри ўзига чорламоқда. Мен сизнинг фарзандингизман ва шак-шубҳасиз Сиз истаган пайтда сиз билан боболаримнинг юртига йўл тортаман.”¹⁸

Албатта, отага, айниқса ота ҳаётининг мушкул дамларида фарзанднинг бундай садоқатидан зиёда қувонч борми? Боз устига ўғлининг қўшни қизда кўнгли борлигини ҳам аллома хиёл сезгандай бўлган. Муҳаммад Хоразмийнинг бу вазиятда дилини ўртаган ажиб бир армон – хавотир ҳам бор. Ўзининг ёшлик

¹⁸ Ўша асар. 35-бет.

айёмида у нафақат она юрти Хоразмни, балки у билан бирга ўз севганини ҳам тарк этмоққа тўғри келган. Начора, улуғ мақсадлар масъулияти шуни тақозо қилади. Энди аллома ўз ўғлининг ҳам шундай тақдирига рўборў келишидан ҳайратда ва таҳликададир. Айни вазиятда рафикаси Холида кўзларига ёш олади, йиғлаб юборади. Ҳожаси ижозат айласа, ўзларининг ўғли тўйини ўтказиб бўлиб, унинг изидан Хоразмга боришга изн сўрайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қиссадаги мазкур дастлабки воқеалар, қаҳрамонлар руҳиятини, уларнинг олийжаноб хатти-ҳаракатларини ўқувчига жонли, ҳаётий, ишончли тақдим этади. Муаллиф баландпарвоз мотивларга берилмайди. Давр зиддиятлари тасвири борасида ҳам бўлиши мумкин ҳол-ҳолатларни ишонарли топади. Қаҳрамондаги саботни, шукроналилиқни, оилавий аҳлга, илм аҳлига донишмандларга хос нуқтаи назарни тўғри белгилайди. Кейинги давр олимларининг мавзуга, мавзунинг тасвирнинг бирор қиррасига муносиб материалларидан ифода жараёнида фойдаланиш, мутоаланинг парчаланишига олиб келмайди. Аксинча, бадий йўсиндаги бевосита ифодага ўша маълумот, тавсиф, даллилар уйғунлашиб кетади. Ўқувчи, воқеалар давоми билан қизиқади.

Қиссанинг илк фасли “Алвидо, Боғдод” ўқувчига яна нималардир “ваъда” қилади. Кейинги фасллар ҳам ана шундай нозик. Бардавомлилиқ руҳи билан ёзилганлиги қиссанависнинг жанр талаблари ва имкониятлари теран идрок эта олганлигидан далолат беради.

Қиссадаги энг мўжаз фасл – бу иккинчи фасл бўлиб, “Кутилмаган учрашув” деб аталади. Муҳаммад Хоразмий хонадонига дунёдаги энг машҳур муҳаддислардан бири Абу Абдулоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ташриф буюради. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини тўплашда ҳеч ким у кишичалиқ жонбозлик ва матонат кўрсатган эмас. Шом, Миср, Жазира, Васрахижоз, Куфа ва Боғдод диёрларига тинимсиз ташриф буюрган Исмоил Бухорий ислом оламида энг улуғвор ишларни амалга оширган.

Шубҳасиз, асарнинг бу фасли икки буюк алломани мавқеи ва салоҳиятини, илм ва маърифатини уқтириш учун ҳамдир. Лекин ёзувчи зиммасидаги муҳим ижодий

вазифалардан бири уларни хом мулоқотга кириштириш ва жонли тимсолларини ўқувчи омма тасаввурига жо қила олиш ҳамдир. П.Шермухамедов бунини уддалашнинг бизнингча, ажойиб адабий усулини топади. Айрим у тақдим этган – автор баёнидаги маълумотлар бугунги қиссахонларга яқиндан таниш. Чунончи, Исмоил Бухорийнинг болалик давридан бошлаб жуда кўп ҳадисларни ёд олгани, падарининг вафотидан сўнг акаси ва онаси билан ҳаж сафарига отлангани, ҳаж тадбирлари тугаши билан унинг илм йўлида Маккада қолиб, бутун умрини ҳадис илмига бағишлагани боғдодлик уламоларнинг юзта ҳадис, матн иснодларни бир-бирлари билан алмаштириб қўйиб имомни синашганлари, Исмоил Бухорийнинг фавқулодда кучли хотира қувватига оид ривоятлар...

Мезбон ва меҳмон мулоқатида ҳам ёзувчи ана шундай аниқ мавжуд маълумотларга таянадики, бу ижодкорлик воқелик ва характерларнинг янада табиий чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ҳозирги замонамизда нашр этилган “Имом ал-Бухорий–муҳаддислар султони”¹⁹ китобидан Бухорийнинг ўзи айтган фикрларини мулоқотга олиб киради. Муҳаммад Хоразмийнинг саҳих ва ғайрисаҳих ҳадисларини қандай фарқлаш мумкинлиги ҳақидаги саволига Исмоил Бухорий айнан ўша асарда келтирилган фикрлари асосида шундай жавоб қайтаради:

“– Тўғри, кўпгина ҳадис китобларида саҳих ва ғайрисаҳих ҳадислар аралаш-куралаш ҳолда берилган. Албатта, ўқувчи улардаги бирор ҳадиснинг тўғри ёки нотўғри экинлигини токи унинг ровийлари аҳволини кетширмай ва илм аҳли орасида улар қай тариқа маълум бўлганини аниқламай туриб, била олмайди. Агар киши бунга мувафақ бўла олмаса у ҳолда ҳадис уламоларидан сўрашга мажбур бўлади. Шу маънода дейманки, кимки, саҳих ва ғайрисаҳих ҳадисларни аниқламоқчи бўлса, илм бобида ўзидан устунроқ, ўзи билан тенг ва ҳатто ўзидан паст рутбадаги кимсалардан ҳам ёзиб олиб, уларни бир-бири билан чоғиштириши лозим.”²⁰

¹⁹ Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004, 52-бет

²⁰ Шермухамедов П. “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” номли илмий-маърифий қисса. Т, НОШИР: 2011, 38-б.

Дарҳақиқат, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг фаолият жараёни тажрибалари ҳам шундай асосларда кечганлиги маълум. У нафақат шаҳарларда, қишлоқларда, карвонсаройларда, мусофирхоналарда, бозорларда кезган, аҳолининг ҳамма тоифалари, қаландарлар, дарвишлар орасида кўп бўлган. Муҳаммад Хоразмий хузурига ҳам бежиз ташриф қилмаган. Фикҳ илмининг улкан билимдони, устози Исҳоқ ибн Раҳвайх уни ўз хузурига чорлаб Русуллулоҳ (С.А.В.)нинг муборак суннатларидан иборат бир мухтасар тўплам тузум маслаҳатини берган. Бу ҳақдаги таълимот ҳам юқоридаги китобдан олинган ҳолда икки аллома – асар қаҳрамонлари диалогига киритилган.

Хуллас, Исмоил Бухорий ташрифининг яна бир сабаби, у Расулulloҳни тушларида кўриб янада бахтиёр бўлган ва “Ал- жомий ас-сахих”ни ёзар экан, бир ҳадис борасида иккиланиши пайдо бўлган. Бу ирим-сирим ҳақидаги машҳур ҳадислардан бўлиб, икки юзга яқин шу мавзудаги ҳадислардан бири бўлиб улар айрим сўзлари билан бир-бирларидан фарқ қилади. Имомга басриялик бир таниши бу ҳадисни “Байт ул-ҳикма” раиси, алломаи замон Муҳаммад Хоразмийдан эшитганлигини айтган. Мазкур ҳадисни Хоразмийдан эшитган Бухорий бир зумда ғайрисаҳиҳ ҳадислар билан таққослаб чиқади ва бунинг саҳиҳ ҳадис эканлигини эътироф этади. Шу тариқа фасл қиссада ўзига хос жозибали таассурот уйғотади.

Адабий ижодга мансуб ва бадиий талқин кўзда тутилган ҳар қандай жанрдаги асарда илм ва маърифат аҳли образларини яратиш нозик ҳамда ҳар жиҳатдан моҳоратталаб иш саналади. Чунки бунда характерни тўғри бера олиш ўта муҳимдир. Бунинг устига мабода интеллектуал қаҳрамонлар машҳур тарихий сиймолар бўлса, бу ҳақдаги ҳужжатли манбалар, маълумот ва ҳаётий ҳодисалар баёнининг тақислиги панд бериши турган гап.

“Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили”да муаллиф бош қаҳрамоннинг бундай характер қирраларини унинг илм-маърифат кишиси сифатидаги доимий кечинма, ўй-хаёлларини ҳеч бир фаслда эътибордан қочирмайди. Шундай мақсаддаги тасвирда интеллектуал қаҳрамонни тасвирлаб бориши ёхуд у ҳақдаги тарихий матнлар гувоҳлигини тартиблаштириб тақдим этиш, албатта, у қадар

қийин иш эмас. Бироқ баддийят бадий тўқимавийлик тақозоси ижодкордан чуқур ёндашувни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, қиссадаги кейинги воқеалар ривожини ҳам Муҳаммад Хоразмий ва бошқа олиму уламо қиёфаларини имкон қадар реал акс эттирганлигини кўрамиз. Қаҳрамон Боғдод билан хайрлашиш асносида уни Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Тарвазий, Собит ибн Қурра, Яъқуб ал-Киндийлар кузатиб қолганлиги ҳақида маълумот беради. Энди узоқ йўлда алломанинг ҳамроҳлари асосан тижоратчилар, савдогарлардир. Муҳаммад Хоразмий қанчалик ватан ёди, ёшлик хотиралари билан йўл-йўлакай содир бўлаётган воқеалар иштироки билан банд бўлмасин сихат-саломатлиги ёмон ҳам бўлишига қарамай ҳаётининг бош мазмун-моҳияти бўлган илмлар дарди уни тарк этмайди. Асарда унинг аксар кесинмалари, мушоҳада ҳамда ниятларининг шундай йўсиндалиги характер табиатини қиссада ҳаётийлаштирган, образни мавҳумликда муҳофаза этган.

Ўн икки ёшида Муҳаммад Кат мадрасасининг мударриси, илми нужум, риёзиёт, фикҳ илмларининг билимдони Сулаймон ибн Исмоилнинг шогирди бўлиб таҳсил ола бошлайди. У беш-олти йил ичила асосий илмларни ўзлаштириб олади. Устози удан айриса натижаларни умид қилади: “Табиат сал-пал истеъдод ато этган қанчадан-қанча шогирдлари тезроқ ҳамма нарсага эришиб қўя қолиш учун отни қамчилиб, олдинга интилгани-интилган. Алал оқибат бундай ҳаётда жуда оз нарсага эришадилар. Улар олимликнинг бош мезони – устознинг айтганларини тасдиқ этишдан иборат деб биладилар. Холбуки, ҳақиқий шогирду устозининг кўрсатмалари асосида янгилик яратувси инсондир. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Муҳаммад беш-олти йил ичинда асосий ишларни ўзлаштириб олди. Хатто сўнги пайтларда устози жавоб топишга қийланган масалаларни ҳам осонлик билан ечадиган бўлди.”²¹ Устоз билан шогирд хоразмшоҳ Мансур ибн Абдулла эътиборига ҳам тушган эди. Аммо улар илмни чинакам қадрлаш муҳитининг ичида эмаслиги хис этган. Муҳаммад карвонда кетар экан, ёшлигининг ана шу хотираларини мушоҳада қилади. Боғдодда ўтган бутун умри эса уни юксакларга

²¹ Ўша манба. 44-45-бет.

олиб чикди. Мана, кейинги йиллардагина бу ерларда ҳам турли фитна, игво, ҳасадлар пайдо бўла бошлади. Бундай ҳолларга кўпинча ҳукмдорлар асос солади. Карвон изидан унга “Байт ул-ҳикма” раиси Аҳмад ибн Умар ва Абу Маъшар Балхийлар жосус юборди, сарахсда овқатини заҳарлади, шукурки буни билиб қолиб, жони омон қолди. Ўзининг “Тарих” китоби юзасидан орасида анча баҳс ўтганини, Балхий хусумати авжланиб Хоразмийни дахийликда айблашгача борганини эсламай бўладими? Ёки Али ибн Имо ал-Харроний куёш тутилишини ўлчашга мосланган қурилма ясади. Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний шу қурулма билан ўлчаш ишларини амалга оширар экан Балхий ўз ҳамфикрлари билан Аҳмад Фарғонийга тухмат тошларини отишга киришди.

Қиссанинг олтинчи фасли (“Алломанинг тарих китоби”)да қиссанавис алломанинг “Тарих китоби” бизнинг давримизгача етиб келмаганини, аммо турли қадимий манбаларда унинг юксак баҳоланиб, уларда мазкур китобдан кўп иқтибослар мавжудлиги хусусида фикр юритади. Шу муносабат билан Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-воқеа”, ат-Таборийнинг “Китоб расул ул-мулук ва л-хулафо”, Ибн ал-Асирнинг “Тарихи фил-комил”, ҳамда Исфаҳоний, ибн Тайфур Масъудий, ал-Яқубий каби олимларнинг китобларидаги мазкур маълумот, иқтибосларни китобхонга имкон қадар мухтасар ва бирма-бир ҳавола этади. Бир қарашда бу маълумотлар асарда ортиқчадек, сюжетнинг мароқли ривожиги ҳалал бераётгандек туюлиши мумкин. Аммо, бизнингча, илмий-маърифий насрнинг жанр хусусиятлари шундай усулларни ҳам тақозо этади. Қолаверса, асарлари араб тилида бўлган, улар билан атрофлича таниш бўлмаган ҳамда номлари, улар ҳақида умумий маълумотларни билган кўпчилик китобхон омма учун бундай жамланган илмийлик– ҳужжатчилик ҳам зарур деб ўйлаймиз.

Карвоннинг Марвда тўхташи баҳонасида бош қаҳрамон ҳаётининг янги саҳифалари ҳикоя қилинади. Муҳаммад Хоразмий Марвда олти йил яшаган. “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш”, “Мармар соат ҳақида китоб” асарларини у шу ерда ёзган. Хоразмшоҳ уни Марвга, ал-Маъмун ҳузурига жўнатар чоғида устози унга бу сафарнинг хайрли эканини, ал-Маъмун илм-фан раҳнамоси эканини унга уқтирган эди. Ҳаммаси ният қилинганидек бўлганини энди

хотирламокдадир. Қиссанавис олимнинг хотиралари сифатида, шунга уйғун равишда халифа ал-Маъмуннинг давлатчилик тарихи, курашларини ҳам қисқа баён этади. Маъмуннинг қандай қилиб мустаҳкам давлат барпо қилганини, унинг эзгу ишларига ҳомийлиги барча ўзга ҳукмдорлардан ажралиб турувчи фазилатлари, душманга, хиётанчиларга бўлган муносабатлари, унинг “илм-фан олтин даври”нинг асосчиси эканлиги, давлатининг жаҳон давлатчилигидаги юксак мавқеи ҳақида худди шу фаслда ҳикоя қилинади.

Баён ниҳоясини орадан деярли ўн аср ўтгандан кейинги, 1834 йилги воқеа-Петербург шаҳрида тарих фанидан маърузалар ўқиган рус ёзувчиси Н.В.Гоголнинг халифа ал-Маъмун ҳақидаги нутқи ташкил этади.

Гоголь тарихда халифа ал-Маъмундек одил ва маърифатпарвар шоҳ ўтмаган деб ҳисоблайди. Унинг даврида ҳамма соҳада буюкликка эришилганини, мамлакат илҳом ўлкасига айланиб ҳар қандай миллат ва дин вакили— олимининг ижодига кенг йўл очилганини, ҳатто илоҳ қарашларига зид бўлса ҳам, ҳақиқат йўлига тўсиқ бўлмаганини Гоголь алоҳида ҳавас билан қайд этган.

Марвда, шунингдек, Муҳаммад Хоразмийнинг Марв қозиси Ёқуб ибн Иброҳим билан учрашуви тасвирланади. Илм-маърифат ва уни ҳаётга татбиқ этиш масалалари фасл пафосини ташкил этади. Улар суҳбати аввало алломанинг машҳур “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала” (“Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) асари хусусияти ҳамда унинг улкан фойдалари ҳақидадир. Китобнинг муқаддима қисмида ҳамд, наът ва ёзилиш мақсадлари тўғрисидаги парчалар келтирилади. Аллома китобнинг ёзилиш тарихини эслаб кетади. Ўқувчи шу муносабат билан Қуръони Карим фазилатлари, тузилиши, нозил бўлиши ундаги фикҳий-ҳуқуқий масалалар кўлами билан танишиб, бой маълумотлар хавола этилади. Ислом ҳуқуқининг асослари келтирилади. Меросхўрлик, васиятнома ва унинг тўғри ижроси, бемор қулларни озод қилиш, эр-хотин, нокоҳ масалалари айни китобда нозик ҳақиқатлари билан таъриф этилган. Бундаги доноларча ўргатилган ҳисоб-китоб масалалари кейинчалик бутун Европа олимларини ҳайтарга солади. Бу ечимлар юнон математиклари Эвклид, Апполонийларнинг ҳаёлларига келмаганига ҳайрон

қолишади. XII аср ўртасидан бошлаб бу асар бутун Европага тарқалиб математикадан асосий қўлланма сифатида ўқитила бошланган. Олимнинг арифметика ва алгебрага оид рисолалари математика тарихида батамом янги саҳифаларни очди. “Алгебра”, “Алгоритм” каби тушунча, тизимларнинг асосчиси ҳам ҳақли равишда шу алломадир. “Байт ул-ҳикма” номли тўққизинчи фасл мазкур илм-фан даргоҳининг тарихи, Муҳаммад Хоразмийнинг бу ерга келиши, “ҳикма”га раислик қилиши Хорун ар-Рашид ва асосан унинг ўғли ал-Маъмуннинг бу борадаги хизматлари, илмий бу даргоҳ олимларнинг **сертариок** фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилади. “Биз башар манфаати йўлида хизмат этайлик. Илло, илмга интиломок, анинг билан машғул бўлмоқдин ягона ва олийжаноб мақсад. Баъни башар манфаати йўлида беғараз хизмат қилмоқдир”, дейди аллома.²²

Муҳаммад Хоразмийнинг “Сурату-л-арз” китоби халифа ал-Маъмуннинг топшириғи билан ёзилади. Унинг негизини етти иқлим тушунчаси ташкил этади. Қадимги юнон олими Эротосфен **“кишма”** деганда “иқлим”ни назарда тутган. Бу сўзлар куёш нурининг ер юзига тушиш қиялигини билдиради. Алломанинг мазкур рисоласида Туркистон худудида жойлашган давлатлар асосан тўртинчи ва бешинчи иқлимдан ўрин олган. Китоб ўнлар карталар ва уларга берилган изох номларидан иборат бўлган. “Арз” сўзи ер, дунё маъносидадир, “сурат” эса – шакл, қиёфа. Бу китобни баъзилар “Ернинг сурати”, “География” деб билган. Китобнинг иккинчи номи “Китобу расм ар-Рубъ ал-Маъмур” – “Маъмурнинг расми”, “Аҳоли яшайдиган чорак”. Асарнинг фақат бир қўлёзмаси бўлиб, у 1878 йилда Қоҳирада топилган, Христафор Калумбга қадар энг мукаммал жуғрофий харита ва китоб шу бўлган.

Қиссанавис бу асарни Батлимус ал-Қалавзий (Птолемей)нинг шу соҳага доир асарлари билан қиёслайди ва талай фарқлар, тавовутлар, афзалликларни солиштиради. Масалан, Птолемейда матн – маъруза руҳи, Хоразмийда аниқ қўринишлар, далиллар, тасвир-хариталар устуворлик қилади. Қиссанавис ўз баёнини шундай хулосалайди:

²² Ўша манба. 110-бет.

“Сурат ул-арз” Хоразмийнинг улкан географик меросидан фақат бир парча ва унинг асртономия ҳамда географияга доир асарларининг бизгача етиб сақланиб қолган бир қисмидир, холос. Лекин “Сурат ул-арз” Птолемей географиясининг таржимаси эмас.”²³

Кўринадикки, илмий-маърифий наср тарихий аллома салоҳияти, ҳаёти, ижоди тасвирини мақсад қилар экан, илмий мерос моҳияти, санади, сифати, уларга муносабат ифодаларини четлаб ўтолмайди. Айни чоқда, китобхонни реал воқеликдан, сюжетга қизиқтириш имкониятларини ҳам бой бериб қўйишдан сақланиш лозим бўлади. Ҳозиргача эътибор қаратганимиз фасллардан сўнг сюжетда воқеий тасвир бир қадар устунлик мавқеига эга бўладики, бу қиссанинг қизиқарлилигини янада оширади. Ҳар қалай, ўн биринчи фаслдан ана шундай усул етакчилиқ касб этган.

Асарнинг “Хаттот ва “Зижи Хоразмий” фаслида ўқувчига алломанинг навбатдаги бир машҳур асари тасвир-талқини янада эътиборга сазовор, бошқа асарлар конфликтда ўхшаши учрамайдиган, китобхонни чуқур мушоҳадага чорлайдиган бир воқеа билан муштарак бадиий талқинига эгадир.

“Байт ул-ҳикма”да таниқли бўлган хаттот Абдуллоҳ ибн Адҳам Хоразмий “Зиж”ини ортиқча бир нусха кўчириб руммек савдогарларига пулламоқчи бўлган. Бунинг ижозатини на халифадан, на раис муаллифдан сўрамаган. Ўғли Беҳзод буни билиб қолиб, енгиллик–ёшлиқ қилиб вазирга билдирган. Халифа ал-Мутасим алломанинг ҳикоясини эътиборга олмай хаттотга қатл ҳукми буюради. Қатл олдидан аллома яна бир бор ҳукмнинг енгиллаштирилишини сўраб, натижада хаттотнинг ҳусниҳат ёзадиган қўли кесилади. Беҳзод карвонга етиб келиб, алломага шогирд бўлмоқчи. Воқеа тасвири Муҳаммад Хоразмий даҳосининг интеллектуал салоҳиятини, бу салоҳиятга хос журъату жасоратни, мушкул вазиятлардаги сабри, шукронаси, матонати ва оптимизмини юксак ибратлар сифатида таъсирчан кўрсатиб беради. “Зиж” тавсилотлари бу руҳни янада бойитади. Абу Райҳон Беруний маълумотича, “Зиж” 250 саҳифадан иборат (“Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар китоби”). Беруний “Зиж”ни жуда кўп

²³ Ўша манба. 118-бет.

назарий далиллар билан ёқлайди, ҳикоя қилади. Ўзининг шу ҳақдаги уч китобида Хоразмнинг феноменидан ҳайратини ҳам яширмайди. “Зиж” география соҳасида дунёдаги буюк кашфиётларга ҳам асос бўлган. Асарнинг асл арабча матни сақланмаган. Фақат латин тилига ўтирилган нусха етиб келган. Хоразмий “Зиж”и Овropaда зижлар тузумидаги ягона намуна ва уйғониш даврида кенг ривож топган астрономия фанининг пойдеворини ҳам яратганки, бу ҳақдаги воқеаларни бадиий воқеалар негизда ўқувчи қийналмай, балки қизиқиш билан ўзлаштиради. Шунингдек, мазкур фаслда алломанинг Аҳмад Фарғоний билан суҳбати ҳам асар нафасини таъминлашда ўз муносиб ўрнига, таъсирчанлигига эгадир.

П.Шермухамедов қиссада илм-фан таратадиган зиё, маърифат кадр-қийматини улуғловчи воқеалар, ривоятларни, қаҳрамонларнинг бу ҳақдаги хиссий ҳаловатларини тасвирлайди, баён қилади. “Китоблар ва олтинлар” (“ўн иккинчи фасл”) воқеаси шундай ибратлардан биридир. Бир куни Муҳаммад Хоразмийни ўз хузурига чақирган халифа таржима бобидаги ишларни, таржимон Хунайн ибн Исҳоқ қилган таржималар ҳақида маълумотларни билиб олади. У Арасту ҳаким, Уклидус, Жолинус, Буқрот, Бадлимусларнинг филология, тиббиёт, фалакиёт, фалсафага доир асарларини юнонча ва латинчадан сурёний тилига таржима қилган.

Ал-Маъмун олимларни саройга тўплайди. “Дини исломга, илм-фан, маданият равнақига ҳисса қўшаётган олимларимизга шарафлар бўлсин!”²⁴ дея уларнинг бир қаторини тақдирлайди. Хунайн ибн Исҳоқ таржималарини тарозининг бир палласига, олтинларни иккинчи палласига кейин шу тариқа “Зижи Хоразмий”ни тарозига қўйиб баҳолайди. Муҳаммад Хоразмий ўзига тухфа қилинган олтинлар эвазига зиндонбанд қилинган Хуросонлик мусулмонларни озод этишини сўрайди ва шунга эришади.

Халифаларнинг маънили ёки маънисиз буйруғига биноан тақдир бўлган бўлса ҳам олимларнинг хусусан, Муҳаммад Хоразмийнинг муайян вақтлардаги ҳиндча, ҳазаллар ўлкасига, Румга ва бошқа жойларга ҳам сафарлари бефойда кетмайди. Илм аҳли ҳамма сафарларда ҳам Яратганнинг қандайдир хайрли ҳикматлари

²⁴ Ўша манба. 133-бет.

борлигича имон келтирган шахслар бўлгани боис, бу сафарларда улар янги-янги қиёфаларга асос солдилар. Қиссанинг “Асҳоби Каҳиф ғоридаги ўспиринлар”, “ҳазаллар ўлкасида”, “Сирли қизил ёнғоқ” фалсафаларида ҳар қалай дунё олимларининг илмий ҳамкорлик, алоқаларининг қадим ўша замонга хос кўринишлари ўз ифодасини топган. Шу воқеалар жараёнида ўқувчи қатор –қатор ўлкалар, у ердаги аҳолининг яшаш тарзи, юртлар жойлашуви, маданияти, алломанинг эса буларнинг ҳаммасини маънавий идрок йўсини билан яқиндан танишади.

УЧИНЧИ БОБ

“Милодий 847 йил. Куз фаслининг сўнгги кунлари... Ҳаво нам. Ўрикларнинг япроқлари қизариб, теракларнинг япроқлари сарғайган. Майсалар шудринг билан қопланган. Дайди шамол ҳазонлар билан ўйнашади...”²⁵

Айни манзара қаҳрамон умрининг тасвир айёмидаги ҳолатини ҳам, давр тўфонларини ҳам, яшиллик билан ҳазонийликни, эзгулик била жаҳолатни ҳам ҳис эттириб, олдинда рўй беражак воқеаларга ҳам рамзий поэтик ишоратлар қилади.

Ушбу манзарани – илк фаслнинг илк лавҳасини охириги фаслнинг илк лавҳаси билан қиёсланса, бадииятнинг нечоғлик бошловчилик қилаётганини, илмий-маърифий материалларни уқтириш адабий ижодда бадииятсиз рўёбга чиқмаслигини ҳис этамиз. Унда ҳам кеч куз тасвири. Аммо у маҳзунлик, видо, қандайдир адабиятга дахлдор ҳислар ваъда қилгандек ўқилади:

“Кеч куз фасли. Олачалпоқ булутлар орасидан мўралаган куёшнинг нурларидан илиқлик қочган, у ҳам етмаганидек, офтоб бир кўриниб, бир кўринмай қолади. Унча қаттиқ бўлмаса-да, совуқ бошланган. Тўрт энлик қор ёғиб, дарахтлар, томларнинг боши оқариб қолган. Аксига олиб, кўчалар балчиғи қатқалоқланган.”²⁶

Шубҳасиз, бу икки лавҳа қиёси халқона, равон, холис ва самимийдир. Улар **заминда**, моҳиятида, кузатилганидек, рамзий ўхшатиш, ишорат маънолар яширинган ва уларнинг илғаниши ўқувчига оғир кечмайди. Ҳар икки тасвир ҳам

²⁵ Ўша манба. 19-бет.

²⁶ Ўша манба. 181-бет.

одатдаги наср ифодасидан қолишмайди ва улардан фарқли равишда, китобхонни бевосита илм-маърифат ичига олиб кирувчилик вазифасини бажаради.

Инсоннинг қайдай эътиқодга, характер йўналишига, салоҳият мақомига эгалигини, хоҳ у реал хужжатли воқелик, хоҳ у бадиий тўқимавий воқелик бўлсин, аниқ ишончли тафаккур тарзида тасвир этилмаса, ўқувчи кўз олдида жонли тимсол намоён қилиш қийин. Бу адабий вазифани рўёбга чиқариш эса тил нозиклари, назокатини, у орқали бериладиган ҳамма тасвирий ҳолатлар билан белгиланади. Эътибор берайлик, аллома Муҳаммад Хоразмийнинг энг зиддиятли вазиятларда намоён бўлувчи нуқтаи назари, журъати, ҳукму ҳулосаси, хоҳиши нечоғлик? Ва бундай ҳолатлар таъсирчанлигида бадиий нутқнинг мароми қандай? Қиссанинг (“Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили”) ўн биринчи фасли (“Хаттот ва “Зижи Хоразмий”)да асарга Бехзод образи кириб келади. У ким? Карвон (қиссада карвон ва у тўхтаб ўтаётган бекатлар— жойлар ҳам муайян рамзий маънодан холи эмас) Марвдан ўн фарсахча узоқлашганда ортдан бир отлиқ йигит келиб қўшилади: “Қорамағиз юзли, дўнг пешонали, йирик кўзли йигит.”²⁷ Бехзод ўз падари томонидан оқ қилинган бўлиб, алломага ўла-ўлгунча шогирд бўлишга, унинг хизматини қилишга шайланиб келган. Аллома беихтиёр ўша аччиқ ва мудҳиш воқеани эслаб қолади. Ўшанда шогирди Саид билан Шоммосияга келишиб, ускуналарни созлаб узоқ ишлашади. Устознинг дилида оғир қайғу борлигини шогирд сезгандек бўлади. Устозни ўз қабулига қуёш ботгандан кейин чақиртирган. Қиссанавис сарой қабулхонасининг шу пайтдаги кўринишини шундай тасвирлайдики, китобхон қандайдир жаҳолат, зулмат ва мудҳишлик хатарини пайқай бошлайди:

“... Ойдин тун. Яқин-атрофда миноралар ва гумбазлар шамойили кўзга ташланади. Кўчаларда тунги қоровуллар шақилдоқларини шақиллатиб юришибди. Майин шабада эсади, ҳар замонда итларнинг вовиллагани, карвонсаройдаги отларнинг кишнагани эшитилиб қолади.”²⁸

²⁷ Ўша манба. 120-бет.

²⁸ Ўша манба. 121-бет.

Деразадаги шамлар шуларнинг хира милтираши ҳам аллақандай маъюслик тимсоли бўлиб туюлади. Аллома халифа ал-Мутасим ҳузурига киргач, соҳчилар юзлари тилинган, кийимлари йиртилган “Байт ул-ҳикма” хаттоти Абдуллоҳ ибн Адҳамни, сўнгра мулоқат давомида унинг ўғли Бехзодни олиб киради. Ўғил отасининг нодир китобларини румларга сотмоқчи бўлганини пайкаб қолиб, бу ҳақда вазирга хабар қилган эди. Хаттотнинг назарида у сотмоқчи бўлган “Зижи Хоразмий” билан румлар танишса, бунинг нимаси ёмон? Ал-Мутасим – ғазабини тия олмайдиган, бойлиги ва куч-қудратига ортикча ишонган, шунинг учун ҳам бирор масала бўйича ўйламай-нетмай хаёлига келган бошланғич ҳукмни, гарчи бу ҳукм адолатли бўлмаса ҳам чиқариб юборадиган ҳукмдор, жоҳиллик тимсоли.

Қуйидаги диологда ал-Мутасимнинг адолатсизлиги, илм аҳлига нописандалиги таъсирчан ифодасини топган.

“– Об чиқинг итваччани, – қичқириб юборди жон-пони чиқиб кетган ал-Мутасим. – Абдуллоҳ ибн Аҳмадни ҳам об чиқинг...”

Халифа кўнглига йиғилган ғазаб оловини кимга сочишнинг йўли топилганидан мамнунлик туйди шекилли, кафтларини бир-бирига урди. Эшикда соқчибошининг боши кўринди.

- Уни уламолар ва халойиқ олдида қатл этинг! Токи, нодир китобларни румликларга сотмоқчи бўлган ҳар қандай авбошнинг тақдири шундоқ бўлишини кўриб қўйсинлар...

(“Сарвари олам”га Муҳаммад Хоразмий сўз сўраб мурожаат қилади.)

- Валинеъмат хаттот ўз айбини тушунди. Агар бу гал унинг хатосини кечирсангиз сизнинг обрў-эътиборингиз ҳам халифаликнинг қудрати ҳам янада ошган бўлур эди. Зеро, бу саховатингизни эшитган нафақат дўстлар, балки ағёрлар ҳам ҳайрат бармоқларини тишлаб, шаънингизга мақтовлар ёғдургусидир.

Ал-Мутасим қўли билан гап тамом, дегандай ишора қилди. Бу ишора ўзига қаратилганини сезган аллома бир амаллаб таъзим қилдида, чўён қуйилгандай оёқларини базўр судраб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.”²⁹

²⁹ Ўша манба. 123-бет.

Қиссанавис кўп мулоҳазаларга чорлайди. Тўғри, хаттотдан ҳато ўтди. Ўйламай-нетмай, одоб-қоидасини билмай иш қилди, лекин унинг иши маърифатни қизғонмаслик ҳамдир. Ўғли ҳам ҳовлиқиб, отани хиёнатчи билиб, калтабинларча бир иш қилиб қўйди. Бу ҳолда қай бир ҳукм адолатди бўлар эди? Кейин нима бўлади? Ахир хаттот қатли халифаликка яхшиликни кўзлаган ўғилнинг ҳам тириклай ўлими-ку? ва ҳ.к. Воқеа тасвиридаги ўй-хаёллардан ҳам қаҳрамонлар руҳияти ва уларнинг бир-биридан фарқли руҳияти англашилиб туради. Бунда алломанинг қарашлари жозибали тасвирланган, унинг фикрларида чуқур ва адолатли ҳукм хулосалар мужассам:

“Шу оқшом Муҳаммад Хоразмий тинч ухлай олмади. Қизиқ, хаттот “Зиж”ни кўчириб, бир нусхасини рум савдогарларига пулламоқчи бўлибди. Тўғри, бу ишни у “Байт ул-ҳикма” раиси ёхуд халифанинг розилиги билан қилиши керак эди. Тўғри, хаттот ҳато қилди, аммо шу биргина айби учун унинг юзлаб илмий асарларга жило берган моҳир қўлларини кесиб, уни ёзишдан маҳрум қилиш керакми? Бундай моҳир хаттот яна қачон шаклланади?!”³⁰

Муҳаммад Хоразмий характерининг нодир аллома, донишмандга хос қатъийяти, журъат, жасорати воқеалар давомида яна моҳирона далилланади. Унинг хаттот ёнини олиши яна бир жоҳилнинг “Байт ул-ҳикма” раисининг ўринбосари Аҳмад ибн Умарнинг асл қиёфасини юзага чиқаради. У “зулукдай қора арабий дулдур оти”нинг устида туриб алломага шундай таъна қилади:

“– Муҳтарам мавлоно – деди Аҳмад ибн Умар – андак менсимаган оҳангда гапираётганини яширишга ҳам уринмасдан, – кеча сиз халифа олдида ўзингизни номатлуб тутибсиз. Ахир ... “Байт ул-ҳикма”нинг нодир китобларини румларга сотмоқчи бўлган ўғрини жазодан асраб қолишни сўрашнинг ўзи ўтакетган густоҳлик эмасми?”³¹

³⁰ Ўша манба. 124 –бет.

³¹ Ўша манба. 127-бет.

Бу нутқда Муҳаммад Хоразмий густохликда айбланмоқда. Аҳмад ибн Умар устоз, алломанинг юзига оёқ қўймоқда. Қолаверса, асар алломаники эканлигини ҳам заррача эътиборга олмабдир.

Муҳаммад Хоразмий ҳукм ижроси чоғида “Туноҳкор айбини бўйнига олди, “Байт ул-ҳикма” китоблари саҳлаб қолинди. Бас шундай экан, Абдуллох ибн Аҳмадни қатл этишни бекор қилсангиз. Биламан, сизнинг қарашингиз кенг...”³² дея ҳукмни бироз енгиллаштиришга сабабкор бўлади: хаттотнинг фақат ҳуснихат ёзган қўлини чопишга амир бўлади.

Фасл якунидаги Аҳмад Фарғоний сўзлари унинг ўзини, шунингдек Муҳаммад Хоразмийни – икки улуғ алломани ўқувчи тасаввурида янада тиниқ қиёфалантиради. У жумладан шундай дейди: “ ... Биздек илм аҳлининг ягона матлаби – билим боғини гуллаб-яшнатиш эканлиги маълум... Илло, сиз илмга қилиб улгурган бемисл кашфиётларингиз тоабад сизники бўлиб қолғусидир...”³³

Диалог асарда характерлар руҳиятини кўрсатишнинг энг муҳим филологик воситаларидан биридир. Одатда ва умуман илғор адабий ижодлар тажрибасида шу нарсага иқрор бўлинганки, қаҳрамонлар мулоқотидаги юксак оҳангдаги ғояю фикрлар эмас, баландпарвоз ёки адабий ишланган чиройли сўзлар эмас, вазиятига кўра қалб қаъридан отилиб чиққат табиий изҳорлар характерларни чинакам жонли инсонлардек ҳис қилдиради.

“Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” қиссасида ҳам бу адабий ҳолатнинг моҳирона битилган саҳифалари талайгина. Юқорида, қисман воқеасини таҳлил этганимиз фаслда ҳам, муаллиф образлар индивидуаллигини кўп жиҳатдан уларнинг гап-сўзлари моҳиятига юклайди. Ўзлари, айниқса, ўзи ўта уқубатли дамларни бошдан кечираётганига қарамай, Муҳаммад Хоразмийнинг Аҳмад Фарғонийга “аҳли кўтоҳ, ҳафтафаҳм кимсалар келиб кетгусидир, биз зарралаб йиққан илм ганжинаси эса тоабад қадрини йўқотмас мулк бўлиб авлодлар тасарруфида

³² Ўша манба. 127-бет.

³³ Ўша манба. 128-129-бет.

қолғусидир”, дея таскин беришида ва бундан Аҳмад Фарғонийнинг қалби ҳаяжонга тўлиб, ғамни унутиб, мадад олишида, улкан қалбнинг улкан салоҳият эгаларига ато этилишини яна бир бор идроклашида юксак эътиқод эгалари характерларига хос ҳолат-кечинмалар ўз тажассумини топган дейиш мумкин. Зеро, уларни бошқача кайфиятда талқин этиш мақсадга мувофиқ бўлмас эди.

Ҳар қандай давр кишиси маълум маънода ўтмишнинг ҳам навбатдаги авлодидир. У қандайдир кўзга кўринар ёки кўринмас ришталар ила мозий ҳақидаги хабарларнинг баъзиларига туташган каби яшаши табиий. Узоқ тарихлар эса улардан етиб келган маълумотлари орқали ҳаммани ҳам у ёки бу даражада қизиқтиради. Шунинг учун ҳам тарихий мавзулар насрида муаллифлар мавжуд маълумотлар асосида муайян даврнинг иштимойи-сий, маданий-маърифий аҳволотини реал акс эттиришнинг ҳамма имкониятларини ишга солишга уринадилар.

Бу йўлда шаҳарлар, қишлоқлар, турли табақа одамларнинг хос яшаш шароитлари, табиат манзаралари, кишиларнинг кийинишлари, иш қуроллари, уларнинг муомала-муносабат тарзлари қабилар китобхонни ўша давр картинасини бутун аниқлиги билан кўрсатиш, қаҳрамонлар руҳиятини ҳис қилдириш учундир. Турлича таъриф ва тасвирлардан мақсад ҳам тасаввурни ҳамда идрокни, мантиқ-моҳиятни тўлдириш, ибрат, сабоқлар олиш учундир. “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили”дек мураккаб, очилмаган кўрик сингари мавзунинг ҳам ўқувчига осон етиб боришини таъминлаган олимлардан бири адабий ижоднинг ана шундай имкониятлари ҳисобланади.

Сюжет, асарнинг ғоявий-бадиий мақсади тақозасига биноан носир ўз ўқувчисини гоҳ саройлар тасвирига, гоҳ жойлар шаҳрига, гоҳ табиат кўринишларига, буларнинг барчасининг идрокига томон бошлайди. Чунончи, қисса сюжети ҳар томонлама ва бошдан-охир Боғдод шаҳри билан боғлиқ. Воқеалар асосан унда содир бўлади ёхуд унга қандайдир дахлдорлик касб этади. Қиссачи унинг мавқеини ҳар жиҳатдан ўқувчига

мукаммал таништиришга интилади. Бир пайтлар халифа ал-Мансур бу шаҳарни “Тангри инъоми ёхуд Мадинат ас-аслом – дунё қалъаси” деб улуғлаган. Муаллиф зиммасида Боғдоддан бошқа жойлар тасвири, уларнинг ҳам ўша даврлардаги мақоми тасвири турибди. Шунинг учун ҳам у шаҳарни ўзга маданият марказлари билан қиёслайди. Самарқанд, Бурохо, Кат, Марв сингари шаҳарларга ҳам юқори баҳо беради.

Табиийки, қадим ўша давр Боғдоди аллома ҳаёти воқеаларини қизиқиб ўрганиб бораётган қиссахонларни қизиқтиради. Бозорнинг турна қатор тизилган расталари, атторлик, баққоллик, базозлик, саррофлик дўконларини, “кўрганнинг кўзини камаштирувчи матолар, ранг-баранг гиламлар, шолчалар, бўйралар”, “олтин ва кумушдан ясалган қандиллар ва шамдонлар”, “зеби-зийнатлар, заргарлик буюмлари, биллур, чинни, сопол идишлар, ойналар, тароқлар, қийимлар”³⁴ ўқувчи кўз ўнгида яққол тугал манзара ҳосил қилади.

Милодий 847 йили халифа ал-Муътасим кутилмаганда алломани саройга чақириб, Ҳиндистонда ўсадиган бир мўъжизакор қизил ёнғоққа жўнатади. Бемаъни топшириқ ижросидан албатта донишманд одам маънили фойдаланади. Ўз тасарруфидаги араб йигити, моҳир хаттот Абдурашид ва Боғдодга келиб қолган ҳиндистонлик табиб қизи Ситораларнинг турмуш қуришларига монелик қилувчи олимларни аллома шу сафар баҳонасида ҳал этади. Халифанинг қариндоши, саркарда Иброҳим ибн Сайфиддин Ситорани ўз ҳарамига мўлжаллаб юрар эди. Муаллиф воқеалар иштирокчилар руҳиятига мос йўл манзараларини чизади. Ҳиндистоннинг жанубий тизмаларидан ўтиш нечоғлик оғир, хатарли бўлмасин, улар бу қийин довонлардаги ақлни лол қолдирувчи табиатни ҳайрат ила идрок қиладилар.

“Кўкка найзадай санчилган чўққиларга қараганида одамнинг этиувишиб кетади. Ёлғизоёқ сўқмоқларда, тубсиз жарлар ёнидан ўтишда эса алломанинг кўнгли озиб, беихтиёр Аллоҳга илтижо қила бошлайди... тубсиз

³⁴ Ўша манба. Жигарранг каптар фасли. 137-138-бет.

жарлар қаърига фақат бир-икки хачир ва отлар юк-пуклари билан қўшилиб учди, халос...

... Шунга карамай, барибир, осмон билан бўйлашган пурвиқор қорли тоғлар, музлар гўзал эди. Уларнинг инсон қўли тегмаган чиройида кўнгилга аллақандай шоирона кайфият олиб кирувчи бир тилсимот бор эди...

Аллома умирида биринчи бор булутларни оёғи остида кўрди. Бу тушунтириш қийин бўлган ажабтовур таассурот эди...

Юлдузлар-чи, юлдузлар... Шундоқ бош устида, қўл узатса етгудай масофада нур сочадилар. Қани энди имкон бўлсаю, шу чўккилардан бирида мўъжазгина расадхона қурилса..."³⁵

Воқеликни поэтик ифодалаш имкониятлари бениҳоя кўплигига “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” қиссаси шубҳа қолдирмайди. Пирмат Шермуҳамедов одатдагидек бу асарида ҳам тарихнинг бугунги авлодларга ғоятда сирли бўлган, бундан жуда кўп замонлар олдин юз берган воқеаларига эътибор қаратар экан, биладики, ўтмиш ниҳоятда ғойиб воқелик. Унинг ҳамма саҳифалари ҳақида етарли маълумотларни истаганча тўплаб, ўрганиб чиқиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи анъанавий насрга хос ифода усуллари кенг ишга солиб бўлса ҳам, воқеликни ўқувчи кўз олдида гавдалантиришга, қаҳрамонлари руҳиятини идрок қилдиришга ҳаракат қилади.

Бу, албатта, хаёлотга, бадий тўқимага эрк беришдир. Юқорида биз келтирган ва таҳлил этган воқеалар, тасвирларнинг аксарияти ҳам шундан далолат бериб турибди. Яъни, ҳужжатли маълумотлар жуда ҳам кам бўлгани учун, муаллиф шундай бадий тўқималар яратиши лозимки, ўқувчи кўз ўнгида ўша қадимий давр, ундаги аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маиший-шахсий ҳаёти, тасвирланаётган объектнинг ишонарли манзаралари, лавҳалари намоён бўлсин. Бундан ташқари, асар ҳар бир қаҳрамоннинг аниқ тимсоли, ботиний олами, ўй-кечинмалари, дард-изтироблари, орзу-армонлари ҳис этилсин. Ва улуғ сиймолар ўз хатти-

³⁵ Ўша манба. 167-168-бетлар.

ҳаракатлари, амаллари, улуғ интилишлари билан бугунги авлодларни ибратлантирсин.

Табиий, бадиий тўқималар юқоридаги адабий-эстетик мақсадни таъсирчан амалга ошириши учун жиддий маҳорат керак. Айни чоқда, ёзувчи тасвир кўламидаги тарихий шахсни уни қуршаб турган воқеликни кўрсатувчи ҳужжатлардан узмаган ҳолда текшириш ҳам зарур бўлади. Натижада, ижодкор ҳаёлот, фантазиясини бирор ҳужжатли маълумот билан бошқасини боғлаш, мувофиқлаштириш, мақсадга йўналтириш зарурияти пайдо бўлади.

Ёзувчига тарихнинг очилмаган кўриқларини очиш албатта қийин. Шунинг учун кўп ҳолларда бадиий тўқималар иштирок этган асҳифалар таъсирли ва гўзал чиққандек, ҳужжатларга мурожаат қилинган ўринларда илмий очерклик, тадқиқ руҳи устунлик қилиб қолгандек ва ўқилиши, эсда сақланиши қийиндек туюлади.

Шунга қарамай, мазкур асар анчайин енгил ўқиладиган тарзда ёзилган. Асардаги ўт-ўланлар, мева-чевалар, емак турлари, табиат, қушлар, атроф-муҳит ифодалари беихтиёр одамни мафтун этади. Тиниқ, равон тасвирлар кўп.

Ёзувчининг бундан олдинги тарихий қисса, романларида илмий ҳодисаларнинг тарихий мазмунини, аҳамиятини билдиришга интилиш руҳи устувор бўлиб келганини сезиш қийин эмас. Уларда кўпинча бош қаҳрамонлар илму фандан бошқа нарсани билмаган, бошқа ишларга аралашмаган сиймолардан таассурот қолдирар эдилар. Тўғри, ёзувчи ўша асарларида урғуни шунга қаратган, қаҳрамонларининг руҳиятлари, оилавий, ижтимоий-маъиший турмуш тарзларини мақсад қилиб олмаган эди. “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” асарида эса аҳвол бошқача бўлди. Улуғ олим бунда уй-жойли, бола-чақали, дунё таниган олим бўлса ҳам халқ дардига бепарво эмас. Ҳукмдорлар саройида обрўси баланд ва шу имкониятининг одамларга-да фойдаси кўп.

Айни вақтда ғурбат уни қийнайди. Ватан соғинчи қалбини ўртайди. Юртига қайтар экан, фарзандлари ва аёлинингҳол-ҳалатини инобатга олади. Уларни ўзига хоҳлаганча йўлларга мажбурламайди. Бу хил характер кирралари қаҳрамоннинг тимсолини янада ҳаётийлаштиради. Муҳаммад Хоразмий қай даражада кўламдор олим, аллома бўлса, унинг дарду изтиробли кирралари ҳам шу даражада кўламлидирки, бу муаллифнинг адабий-эстетик мақсадлари сирасида ўз бош қаҳрамонини жонли инсон сифатида ўқувчига таништириш нияти ҳам бор бўлганини кўрсатади.

Маълумки, П.Шермухамедов 1994 йилда “Буюк Хоразмий” номли роман-бадиасини эълон қилган эди. Унда воқеалар Муҳаммаднинг туғилиши билан бошланади. Шунингдек, роман-бадида олимнинг асосан илм-фандаги мавқеини жуда катта эътибор қаратилади. Мавжуд маълумотлар ҳамда асарларининг мазмуни, кадр-қиммати, жаҳон миқёсидаги ўрни каби масалаларни автор имкон қадар қолдирмай китобхонга етказишга ҳаракат қилади. “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили”да эса кексайиб қолган олимнинг доимий орзуларидан бўлган ҳолатлардан сюжет бошланиб, унинг Хоразм сари йўлга тушиши, сафари, умри интиҳоси баҳонасида жуда кўп воқеалар тизими анча бадиийлаштирилган йўсинда тақдим этилади. Муаллиф, афтидан, ушбу маърифий қиссасида яна бошқа кўпдан-кўп маълумотларни топган ва асарга уларни саралаб киритган.

Ўқувчи тасаввурида конкрет, ўта аниқлаштирилган воқеликни яхши кўриб қабул қилади. Хоҳ табиат манзараси бўлсин, хоҳ қаҳрамоннинг ички олами, хоҳ одамлар ўртасидаги муомала-муносабатлар бўлсин, агарда уларнинг ҳаётийлик даражаси кучли бўлса, ёзувчи буларни содда, равон, таъсирчан тилда айтиб беролса, асар ҳар жиҳатдан ўқимишли бўлиши маълум. Масалан, қуйидаги парчага диққат қиладиган бўлсак, ундаги тасвир ўқувчи тасаввурини ҳам конкретлаштираётганини ҳам бадиий ҳолатни ҳаётий асосга намоён этаётганини кўрамиз:

“Куз фаслининг сўнги кунлари... Ҳаво нам. Ўрикларнинг япроқлари қизариб, терак япроқлари сағрайган. Майсалар шудринг билан қопланган. Дайди шамол хазонлар билан ўйнашади...

Боғдоднинг жануб қисмида жойлашган Катраббул қўрғони ... Ҳамиша меҳмонлар билан гавжум бўлиб турадиган кенг саҳинли, тош деворлар билан ўралган ховли бугун сукунатга чўмган. Токчаларда ёнган шамчиروқларнинг шуълалари Шероз гиламларининг нақшлари билан ўйнашиб, турли манзаралар ясайди.”

Ёзувчи кўпинча бирорта манзара тасвирини берар экан, шу манзарани хис эттиришнинг ўзинигина мўлжалга олмайди, балки нимагадир ишорат қилади, нималардандир огоҳликни ҳам шунга сингдиришга ҳаракат қилади. Масалан, адоқсиз, чексиз-чегарасиздек кўринаётган қум барҳанлари, кип-қизил қуёшнинг уфққа бош қўяётгани, қум зарраларининг олмосдай ялтираётгани, барҳанларнинг мангу сукутдалиги, енгил, шўх, дайди шамолларнинг кезиб юриши, сочилиб кетган булутларни ҳайдаши тасвирланар экан, ўқувчи бу тасвирдан эртанги куннинг тиниқ бўлишини ҳам, яхшилик содир бўлишини ҳам хис этгандек бўлади.

Қаҳрамонлар табиатидаги иллатлар, яхши томонлар, умуман, сийратдаги қирраларни муаллиф жуда нозик қирраларгача таништиришга интилади. Шунинг учун ҳам тил жозибаси ўқувчини ўзига тортиб, воқеалар, хусусиятлар, энди бўлиши мумкин ҳолатларга қизиқтиради. Ахир алломалар дунёқараши баланд бўлади. Нобакор кимсаларни аҳволи ҳаммага маълум. Уларни моҳирона акс эттирилса, ўқувчи тасаввури бойийди. Дунёга қараш масалаларида катта ибратлар олади.

Адибнинг “Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” илмий-маърифий романи ҳам бадиий тўқималар, ҳаёлот, ишорат рамзларга бой. Яъни, бу асарда ҳам воқеликни поэтик акс эттиришнинг хилма-хил усулларидан кенг фойдаланилган ва бадиий тил воситаларинг тажрибаларидан ўтган талай воситалари ишга солинган. Асарда адибнинг аввалги тажрибаларида кузатилган табиат тасвири, ботиний кесинмалар ва

уларнинг ҳаётий ҳодисалар, илмий фаолият билан уйғунлиги, мақоллар, ривоятлар, нақллардан унумли фойдаланиш ҳолатлари асар сюжетиға хос тарзда намоён бўлади.

Бош қаҳрамон билан ўқувчи куз фаслидаги ҳаёт манзаралари фонида таништирилади. Ўтмишнинг ўша даврдаги аҳоли тирикчилиги, атроф-тевараkning кўринишлари, сокинлик, тинчлик, хотиржамлик негизида айрим образларнинг аҳвол-руҳияти очиладики, бу саҳифалар маълум даражада кейинги бобларда кечадиган воқеалар руҳидан ҳам қисман дарак беради. Маълумки, аллома оила қурмаган. Бу ҳақдаги қатъий хабар-маълумотни адиб ўғлининг шу жиҳатидан безовта она қайғуси ва фарзанднинг шундан ҳижолатдалигига оид суҳбат-бадий тўқима орқали равшанлаштирган бўлади. Аниқроғи бу масалага оид асосларни идрок эттиради. Она Маҳмудга меҳр ила боқиб, уни йиллар мабойнида соғиниб яшаганини, бола-чақали бўлишини интиқлик билан кутганини, неварачевара суйиб, эркалашга орзумандлигини баён қилганида, ҳижолатда юрган ўғил шундай жавоб беради:

“Илмга берилдим. Агар уйлансам, оила, бола-чақа ташвиши мени илмдан чалғитган бўлар эди. Бу йўлни тутган бир мен эмас. Ал-Фаробий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ зотлар ҳам тоқ ўтишган.”³⁶

Албатта, ушбу бадий тўқимадаги бадий қаҳрамон ҳаётининг бир жиҳатига доир асосдаги моҳият сабабнинг шартли, нисбий қараш ёки асоснинг бир томони эканлигини китобхон сезиб туради. Буни шартли қабул қилади. Матндаги гапнинг асосий таъсирли залвори аслида Маҳмуд Замахшарийнинг нечоғлик илм билан машғул илм эгаси эканлигини айтишдадир. Шу маъни, идрокни бутун асар мабойнида кузатиш мумкинлигига китобхонда шубҳа қолмайди.

Хотирлатиш усули орқали алломанинг болалик кезлари, қадимги Замахшар шаҳрининг ажиб ҳаёт тарзи, тарихий фактлари мавжуд воқеалар ҳам

³⁶ Ўша манба. 9-бет.

тасвирланади ва уларга ҳам муайян даражадаги тўқимавийлик сингдирилади. Замахшар шахрига шарқлик ва ғарбликлар, айникса, тижорат карвонлари одатда тўхтаб ўтишган ва ҳамиша бу ҳудуднинг яшаш тарзи, фойз, барокати улар диққатини ўзига тортиб келган: кишилари ҳалол, меҳмондўст, ем-хашак мўл, озиқ-овқат арзон, йўллари қулай, равон, ёшлари илмга, таълимга чанқоқ, катталар уларнинг маърифат олишига беъэтибор эмас. Шундай экан, бундай жойларда Замахшарийдек улуғ одамларнинг чиқишига гумон қолмайди. Чунончи, устозларининг ёш Замахшарийдаги ўта зўр қобилиятни пайқаб, йўл курсатиши, катта илмга йўллаш каби воқеалар ҳам ҳаётийлиги боис қаҳрамон руҳиятини ўқувчи қалбига яқинлаштиради. Умуман, хотирлатиш усулининг бутун роман сюжети мобайнида ўзига хос жилолар билан етакчи бир усул сифатида кўзга ташланишини эътироф этмоқ мумкин.

Маҳмуд илм йўлида қаерга бормасин, ҳаётга, одамларнинг аҳвол-руҳияти, эзгу ишлари, қувонч-ташвишларига, тирикчилик ҳолатларига ёхуд табиат яратик, манзараларига бепарво эмас. Қаҳрамон дунёқараши, ҳаёт ишларига муносабатига таалуқли бу сюжет линиясининг кўп лавҳалари ҳам хотирлатиш усули орқали ўқувчига етказилади: “Маҳмуд Бухорога жўнаб кетиш кунини бутун тафсилотлари билан яхши эслайди.”³⁷ “Маҳмуд Замахшарий беихтиёр ўйга толди”³⁸ “У шу ҳақда фикр қилиб ўтирар экан, беихтиёр равишда қалбида муҳрланиб қолган бир воқеани эслайди...”³⁹

Бундай секинма баёнлар кўп ва улар ўқувчи ғашига тегмайди, аксинча, булар ўқувчини янги бир воқеа тафсилоти сари бошлайди. Бу янги воқеа тўлалигича бадий тўқима ёки ҳужжатли материал бўлиб чиқади. Шу жиҳатдан хотирлатиш усуллариининг романдаги қуйидаги кўринишлари бор:

1. Тўлалигича бадий тўқима бўлган хотирлатиш.
2. Ярим ҳужжатли, ярим тўқима мавқеидаги хотирлатиш.

³⁷ Ўша манба. 16-бет.

³⁸ Ўша манба. 10-бет.

³⁹ Ўша манба. 131-бет.

3. Асосан ҳужжатли материални ўқувчига тақдим этиш мақсадидаги хотирлатиш.
4. Алломанинг муайян асари яратилиши, шу асар мазмуни, шарҳи, тафсилотига қаратилган хотирлатиш.

Баъзи шундай эслашлар алломанинг ўй-хаёли, ўз-ўзига гап бошлаши усулида берилади. Қуйидаги лавҳа шундай усуллардан биридир:

“– Қизиқ бир ҳолат, –дея ўзига-ўзи савол берди аллома, – мен ўзга юртнинг фарзанди бўлсаму араб сарфу наҳви ҳақида китоб битсам. Нима, араблар ўз тилларини менчалик билмайдиларми? Албатта, менданда яхши билишади. Лекин нима учун бу ҳақда шу кунга қадар биронта жиддий рисолага қўл уришмади? Йўғ-е, нега бундай деяпман?! Ҳалил ибн Аҳмад, Сибавайхий, Абу Али ал-Фярийсий сингари улўф зотлар ҳам сарфу наҳв ҳақида рисолалар ёзганлар-ку!”⁴⁰

Хотирлатиш усулининг кўринишлари шу тариқа асарда ёзувчи адабий-эстетик мақсади учун катта поэтик имконият бўлганлигига ҳар бир тадқиқотчи ишонч ҳосил қила олади. Албатта, бутун асарни шу имкониятнинг ўзи билан зийнатлаш ғалати баёнга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ёзувчи ўз асарининг табиати маърифий бўлгани сабаб тўғридан-тўғри ҳам муайян фактларни саралаб ўзи ҳикоя қилиб беришга, ўз изланишлари, таассуротларини айтишга ҳақли эканини билган. Шу сабабли бу воситадан ҳам ўрни-ўрни билан фойдаланади. Бунда у бугунги илмий қарашларини, аллома ҳаётига ва ижодига доир тадқиқотларни, муайян замонавий материаллар билан таништиришга ўзини мажбуриятли ҳис этади. Бундай усуллар албатта, ҳужжатли-маърифий асарларгагина ярашади ва қўл келади.

Жумладан, романнинг илк саҳифаларида ёзувчи Замахшар шаҳри билан таништирар экан, бу ниятини бевосита воқеалар жараёнининг ўзига ташлаб қўймайди. Ўзи муайян фасл воқеаларини маъқул ўрнида тўхтатиб қўйиб ўз номидан – муаллиф тилидан ҳикоя қилиш усулини

⁴⁰ Ўша манба. 131-бет.

қшллайди. Сўнг бадиий романга бундай усул унчалик ёки исталганча ўрнашмаслиги мумкин. Маърифий романдан бунинг бир кўринишини кузатамиз:

“Бир пайтлар ана шундай гуллаб-яшнаган Замахшар шаҳри замонлар ўтиб, бугунги кунга келиб бутунлай қаровсиз ҳолга тушиб қолган. Унинг асрлар шамолига дош бериб келган пахса деворлари ҳозир бутунлай йўқолиш арафасида. Қалъанинг ичи, ташқарисида сочилиб ётган чинни, сопол идиш парчалари, аҳлат уюмлари кўзга ташланади. Бу айанчли манзара кишининг кўнглида маҳзунлик уйғотади. Шахсан мен ўзим ҳам Замахшар харобаларида кезар эканман, ана шундай ҳолатни бошимдан кечирганман.”⁴¹

Шу тариқа адиб фасл (“Замахшар – туғилган юртим...” фасли)нинг воқеий ривожини тўхтатиб қўйиб, бугунча ўзига чекиниш қилиб бир гуруҳ журналистлар билан 2011 йилнинг кеч кузида Маҳмуд Замахшарий ҳақида кўрсатув қилиш учун йўлга чиққанини, Туркменистон республикаси Дошховуз вилоятига қарашли Тахта тумани ҳудудида жойлашган Замахшар харобалари қошига етиб келишганини ҳикоя қила бошлайди. Суратга олишганини, барча ишларни тўхтатиб, қабристонга кираверишда кўримсиз бир мақбарага кўзлари тушганини айтади. Туркман тилида Маҳмуд Замахшарий дафн этилгани ёзилган. Ёзувчи беихтиёр араб сайёҳи, машҳур ибн Баттутаннинг “Саёҳатнома” асарида ёзилган сўзларни эслайди. Унда ҳам тақрибан шу жойда Маҳмуд Замахшарий қабри борлиги айтилган. Муаллиф ўз чекинишини қуйидаги изтиробли, надоматли фикрлар билан тугатади ва яна фасл воқеалари келган жойидан бошлаб юборилади.

“Биз ушбу масалага бир қадар ойдинлик киритиш мақсадида шу ерлик бир қанча зиёлилар билан учрашиб, суҳбатлашишни ният қилдик. Бироқ зиёлиман деб юрганларнинг ҳеч биридан Маҳмуд Замахшарийнинг қабри ҳақида бирор маълумот ололмадик. Ажабо, Замахшарий туғилган

⁴¹ Ўша манба. 15-бет.

ва дафн этилган бу заминда бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмаса?! Ғалати ҳолат: бутун дунё билади, юртдошлар эса...”⁴²

Кўринадики, фасл воқеаларини маълум ўринда тўхтатиб қўйиб, чекинишда бугунги аҳволдан сўз очиш шунчаки эмас. Муҳимлик даражаси баланд нарсани фасл сюжети ичига кистириб ўтиш, киритмаларнинг асарда келиши ёзувчи П.Шермухамедов услубида тез-тез учрайди. Бу маърифий-бадний характердаги насрнинг ўзига хос усулларида бири сифатида эътироф этилиши мумкин. Зотан, бугунги воқеликка қайтиш муҳим маъноларни китобхонга етказиш учундир. Юқоридаги киритмага ҳам чуқур эътибор берилса, икки давр қиёсидан бугунги маънавиятимизга тегишли жуда оғриқли бир муаммо кўтарилаётганини сезиш қийин эмас.

Гап шундаки, на фақат аллома Маҳмуд Замахшарийнинг балки кўплаб алломаларимизнинг ижод намуналарини, асарнинг дунёга таратган илм хазиналарини биз бугунги авлодлар ератли биламизми? Йўқ, дея жавоб қилиш шубҳасиз тўғри бўлади. Кузатилган нарсада гап фақат алломанинг дафн этилган жойини билиш билмаслик ҳақида кетаётгани билан ўқувчи кўнглида унинг асарларини билиш билмаслик тўғрисидаги туйғуларнинг кечиши ҳам менимча, табиийдир.

Романдаги бундай ҳоллар, айни вақтда ҳужжатли, маърифий, илмий-бадний типдаги роман, қисса ёки ҳикояларнинг ҳам нақадар зарурлигини ҳис эттиради. Айниқса, очилмаган тарих саҳифаларини очишда, биз яхши билмаган ва билолмаётган сиймолар салоҳиятини англатишда, яхлит асар орқали улар ҳақида кўп маълумотларни қизиқтириш асосида ўқувчи оммага етказишда бу типдаги нарсанинг аҳамияти жуда каттадир. Қаҳрамон руҳиятини ишонали кўрсатишда ёзувчи мазкур усулларнигина эмас, унинг қарашларига асослик қилувчи манбалардан ҳам фойдаланишни тўғри деб топган. Қаҳрамон ички олами ҳам асар учун ва умуман олганда, ўзига хос воқелиқдир. Шундай экан, бу

⁴² Ўша манба. 16-бет.

масалага ҳам адабий ижодда жиддий қаралмаса, тасвир жозибали чикмайди.

П.Шермухамедов Муҳаммад Хоразмий ҳақидаги асарида ҳам, Маҳмуд Замахшарий образини яратишда ҳам қаҳрамонларининг диний онг тарзлари, эътиқодларига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, Замахшарий тасвирида бу мотив бўртиб кўзга ташланади. Бусиз аллома сиймосининг ёрқин тасаввур қилиниши мумкин эмас. Эътиқодий илмлар, таълимлар, амаллар, буларнинг талқини, тарғиботи Замахшарий фаолиятида катта ўринни эгаллаши ўз-ўзидан маълум. Асарда Замахшарий кўп фикрларини шаръий таълимот далиллари негизида баён қилади. Қуръони Карим оятларидан, ҳадиси шарифлардан сўзлайди. Айниқса, масала ва муаммоларни ҳал этишга чоғланганда, уларни адолатли, оқилона ҳал этиш учун шаръий асосларга таянади. Ўзи ботиний ҳолатлари-тафаккур, мушоҳада, ўй-хаёл тарзларида ҳам муайян шаръий далил-исботларни хотирлайди.

Бу йўналиш, аввало, даврни характерлайди. Шунингдек, қаҳрамоннинг ирода йўналиши, идрок тарзи, эътиқодий ишларга садоқатини кўрсатса, айтиш чокда, ўз ҳолатларидаги дастуриламали, сабри, қаноати, вазминлиги, муомала-муносабатлар ва бошқа масалаларда ҳам шаръий қарашларини ўқувчига англатади. Шу каби лавҳалардан қаҳрамон сиймоси уни ҳаётий ҳис эттириш учун эстетик-маънавий қувват олади. Ёзувчи аллома – қаҳрамонининг нутқидаги шаръий истилоҳ, тушунча, фикрларни бугунги маъно таржималаридан фойдаланган ва уларнинг манбаларини ўз ўрнида кўрсатган ҳолда фойдаланади.

Ёш Маҳмуднинг отаси уни устозга олиб бориб, фарзандининг Қуръони Каримни хатм қилиб тугатганини айтар экан, устоз Ҳабибулла Рамитоний боладан “Бақара” сурасидан бир оят ўқиб беришни сўрайди, бола ўқийди:

“Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйку. Осмонлар ва Ердаги

(барча) нарсалар уникидир. (Қиёмат куни) Унинг ҳузурида ким ҳам (гуноҳкорларни) Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди? (У) улардан (одамлардан) олдинги ва кейинги нарсаларини билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаган миқдорича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиғдира олур. У иккисини муҳофаза этиш Уни толиқтирмас. У Олий ва Буюкдир.”⁴³

Олимнинг диний қарашлари воқеалар давомида фақат кимгадир насиҳат қилмоқ учунгина келтирилмайди. Ёки улардан алломанинг эътиқодий томонини кўрсатиш учунгина фойдаланилмайди. Улар аллома қилаётган барча амаллар, хатти-ҳаракатларнинг асоси, дастуриламали сифатида воқеалар, характерлар замирига сингдирилади. Замахшарий, асарда талқин этилишича, илм билан бўлиб, оила қурмайди. Лекин оилалар, инсонлар муаммоларига лоқайд қараб турмайди. Салтанатдаги обрў, мавқеларини ёки оимлигини ишга солиб, одамларга ёрдам беришни ўзининг доимий бурчи деб билади. Бинобарин, уларга доир ҳамма масалаларнинг ечимини диндаги меъёр, мезон, кўрсатмалар асосида бостиради. Бу эса унинг амалларига оқиллик, адолат, ҳаллоллик бағишлайдики, эл-улус ичида ҳам унинг обрў-эътибори тобора орта боради. Қисса фаслларида айрим қирралари кўриниб борадиган бу хусусиятлари айниқса, “Хоразм қозиси” фаслида янада тўлақонли намоён бўлади. Бу лавозимда Маҳмуд Замахшарий қисқа муддат ишлайди. У Хоразм шоҳининг гапини ерда қолдирмаслик, қозилик ишининг масъулиятларини билдириб қўйиш, иш намунасини кўрсатиб қўйиш учун қисқа вақт, гарчи мансабни хушламаса ҳам, қозилик лавозимида ишлайди. Унинг ҳузурига ким қандай муаммо билан, арзу дод ила келмасин, масалалар ечимини шаръий қоидалар, одоблар, ҳукмлар асосида ҳал қилади. Натижада, қозининг ҳукмига эътироз қилиш учун ҳеч қандай эҳтиёж, ҳажат қолмайди. Алломанинг бу масаладаги ибрати одамларга фавқулоддалик бўлиб

⁴³ Ўша манба. 14-бет.

туюлишидан ташқари, кейинги ишловчилар учун ҳам ибрат мактаби бўлиб қолади.

Дунёқараш ва фикрлаш, ижод ва унинг дарди борасидаги кечинмаларда ҳам Маҳмуд Замахшарий даҳосининг қирралари тўлишади. Хусусан, алломанинг шеърий ҳикматлари китобхон диққатини ўзига ром этади. Олимнинг ҳаётга муҳаббати, ижод қилиш сурури унинг шеър иштиёқидаги онларида ҳам намоён бўлади. Ёзувчи Маҳмуд Замахшарий “Девон”идан олинган шеърларни шоир Музаффар Аҳмад таржимасида асар воқеалари ичида келтиради. Жумладан, карвон Салжукийлар пойтахти Исфaxonга етиб келганида Замахшарийнинг кўнгли қувончга тўлди, илҳоми жўшиб, хуржунидан бир варақ Самарқанд қоғозини олиб, ёза бошлайди. Унинг қаламидан шундай шеърлар тўкилади:

Ёвонлар юзинда, гулзор-бўстонда,

Муртиб сандувочлар сайрашар анда.

Ҳеч ким буйруқ бермаса-да айтмоққа,

Қўшиқ куйлаб, зўр беришар томоққа

Уларга завқ берар қўшиқ навоси-

Гўё кулнинг Ҳаққа ҳамду саноси.

Қиссадаги бутун бадиий воқеликда Маҳмуд Замахшарийнинг ижодий салоҳияти билан боҳлиқ ҳужжатли материаллар устуворлик қилади. Акс эттиришдаги бу асос аллома илми, ижоди намуналаридан кенг ва ўз ўрнида фойдаланиш демакдир. Асарни қизиқарлироқ қилиш учун сюжет линиясига керитилган Замахшарий севгиси, севгилиси Гулжамол ҳақидаги ўй-хаёлларда ҳам ижодга дахлдорлик бор. Жумладан, жорияси Саида алломага баъзи ҳолатлари билан унинг Гулжамол ҳақидаги хотираларини кўзғайди:

Порлаб турар гўзал қизнинг кўзлари,

Қизаради ол ёноғи, юзлари.

Қиз қартаяр, ҳеч қартаймас гўзаллик,

Ўзи қолар, изи қолар азаллик.

Мазмун-моҳияти тўлиқ етказиб бориш, уни кўп жиҳатдан таъсирчан маърифий қилиш учун ёзувчининг ҳамма мавжуд имкониятлар, воситаларни ишга солгани сезилиб туради. Ҳатто фасллар бошида ҳам айна фасл сюжети, воқеалари, руҳига монанд келувчи эпиграфлар келтирилади. Улар алломанинг ўз асарларидан ёхуд у ҳақдаги ўзга олимлар, ижодкорларнинг эътиборга молик фикрларидир. Чунончи, “Араб ва Ажамнинг устози...” номли ўнинчи фаслда Ибн Халликоннинг тубандаги фикрлари келтирилади:

“Маҳмуд Замахшарий тафсир, ҳадис, нахв, луғат ва илм баёни бўйича буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур илмларда у ўз даврининг яғонаси эди.

Ибн Халликон”⁴⁴

Шундай қилиб, маърифий насрда воқеликни, қаҳрамонларни, улар маънавий дунёсини поэтик ифодалаш имкониятлари одатдаги бадиий насрдан маълум бир фарқли томонларга эгалигича ишонч ҳосил қилиш мумкин. Сиртдан қараганда, икки йўналишдаги насрда ҳам бу жиҳатдан, яъни ифода усуллари ўртасида фарқланиш йўқдек кўринади. Аслида ундай эмас. Илмий-маърифий насрдаги ифодавийликда ўзига хослик, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1. Воқеликни поэтик ифодалашда муаллиф анъанавий бадиий наср тажрибасидаги қайси усулни қўлламасин, уларнинг деярли ҳаммаси тарихий ҳақиқатлар, ҳужжатлар, маълумотларни кўзда тутган ҳолда, улардан йироқлашилмаган, уларга муайян даражада бўйсуниб асосида амалга оширилади.
2. Маърифий наср китобхонга таълимий манфаатлар беришни мақсад қилгани боисдан унда воқеликни акс эттиришнинг барча усуллари конкрет ҳаётий маълумотларни бадиий тўқималар, муаллиф чекинишлари билан уйғун ҳолда рўёбга чиқиши мумкин.

⁴⁴ Ўша манба. 130-бет.

3. Қаҳрамонлар ўй-хаёллари, хотиралари, кундаликлари, ҳикоялари, туш эпизодлари, табиат манзараларига муносабатлари воситасида ҳам маърифийлик тарғиби – бу йўналишдаги насрнинг етакчи ифода тамойилларидан бири.

Кузатганимиздек, ёзувчи П.Шермухамедовнинг икки асарида ҳам воқеликни акс эттиришнинг умумадабиёт тажрибасидаги ҳамма ифода усуллари илмий-маърифий тарзда намоён бўлади.

Ёзувчи қадим воқеалар талқинида тилнинг ҳозирги ўқувчига оғир келмайдиган тарихий меъёрини сақлайди. Воқеалар бевосита бугунги ҳаёт воқелигига тақалганда ҳам ана шу ўрта йшл-мўътадиллик қонуниятига амал қилади.

III. 2-фасл. Хужжатли маърифий насрнинг этик-эстетик, таълимий аҳамияти.

Ёзувчи Пирмат Шермухамедовнинг қомусий олим Маҳмуд Замахшарий ва буюк математик Муҳаммад Хоразмийларга бағишланган хужжатли – маърифий асарлари таҳлилидан уларнинг бутун дунё эътироф этган, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлган алломалар эканлигини яна бир бор гувоҳи бўлдик.

Бу асарлар орқали халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари, яшаш тарзлари, илмга бўлган кучли интилишлари, ўз Ватанларини ниҳоятда севишлари, ундан узоқда яшаган чоғларида азоб тортишлари, қўмсашлари ўрганилади. Мутафаккирларимизнинг бу каби қутлуғ меросларидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларнинг ҳам баҳраманд бўлишлари уларнинг маънавий баркамол кишилар бўлиб етишишларида катта ёрдам беради. Чунки, буюк алломаларнинг ҳаёт йўллари, улар қолдирган бой илмий-маънавий мерослари ибратларга тўладир.

“Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” илмий-маърифий романининг биринчи фаслида алломанинг болалигидан илмга ташналиги, ёшига нисбатан жуда зийрак, мулоҳазали бўлиб ўсаётганлиги

тасвирланган. У хатто тенгқурлари билан ўйнаб юрган дамларида ҳам ногаҳон тўхтаб қолар, ҳаёлларга берилар эди.

Уларнинг ҳовлисида тез-тез олимлар, шоирлар, маърифат аҳлларида бўлган кишилар тўпланишар, шундай кунларда Маҳмуд барча гап-сўзларни берилиб тингларди, улардан таъсирланарди. У ёшлигидан илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини мукаммал эгаллайди. Ҳали мадраса ўқимай туриб, Қуръони Каримни хатм қилиб тугатади. Ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур бўлган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб олади. Бу нарсани унинг моддий таъминотига ёрдам беради. Жисмоний нотавонлигига қарамай, Замахшарийнинг билим олиш йўлида кўрсатган бу жасорати ҳар қандай таҳсинга сазовор ва катта ибратдир.

“Бир чеккада савлат тўкиб ўтирган, қирғийбурун, чамаси эллик ёшларни қоралаб қўйган, ўсиқ қошли савдогар бошини сарак-сарак қилиб, жиккак гавдасига ярашмаган йўғон овоз билан деди:

- Бу бола келажакда улуғ аллома бўлади.
- Шояд, – деди Умар мамнун жилмайиб, – Илоҳо айтганингиз келсин.
- Маҳмуд ҳали ёш, – суҳбатга аралашди Ҳабибулла Рамитоний, – бир-икки йилдан кейин мен уни Бухорои Шарифга олиб кетаман. У мадрасада таълим олади.”⁴⁵

Бухорога мадрасада ўқиш учун борган Замахшарийнинг отдан йиқилиб оёғи синиб қолади. Шу туфайли у умрбод оқсоқ бўлиб қолади. Замахшарий бироз тузалгач, онаси вафот этгани ҳақидаги хабар келади. Замахшарга келган ўғлини оқсоқ ҳолда кўриб Умар сал бўлмаса, хушини йўқотади. Ўғли ногирон бўлиб қолгани учун ота уни Бухорога жўнатишни истамас эди. Унга ўтириб бажарадиган тикувчилик ишини таклиф қилади. Отаси билан суҳбатда Маҳмуд юксак одоб намунасини кўрсатади:

“– Майли, ҳунар ҳам ўрганаман, – деди Маҳмуд муросали оҳангда. – Лекин илмни ташламайман.

⁴⁵ Ўша манба. 14-бет.

- Ана энди ўзингга келдинг, – деди Умар енгил тортиб.
- Улуғ зотлар дейишадики, “Абзаъу уламоу варасатун-Набий” ... Баъзи уламолар пайғамбарлар ворисларидир. Шоядки, ўғлингизга ҳам шундай толе насиб этса”⁴⁶

Маҳмуд Замахшарий ҳаёти билан чуқур танишар эканмиз, унинг илм талабида қатор хорижий мамлакатларга сафар қилганлигини ҳам кўрамиз. Дарҳақиқат, у Хуросон, Шом, Ироқ, Ҳижоз каби юртларда бўлади. У ерларда ўша даврнинг кўп машҳур олимларидан сабоқ олади. Улар билан илмий, ижодий мунозараларда иштирок қилади, самимий дўстона ҳамкорлик қилади.

Алломанинг айниқса, Маккаи Мукаррамада беш йилдан ортиқ яшаган пайтлари илм олиш учун ғоятда серунум бўлди. Илм толиблари Замахшарийдек буюк алломадан имкони борича сабоқ олишга, ўрганишга ҳаракат қилар эдилар, уни иззат-ҳурмат қилиб ҳикматли ибораларини тинглар эдилар. Унинг шогирдлари турли элат ва миллатга мансуб кишилар бўлганлар.

Маҳмуд Замахшарий Арабистонинг Макка, Мадина, Тоиф, Ҳайбар шаҳарларини, шунингдек, Яман ва Баҳраин каби ҳудудларини айланиб чиқади. Сафардан қайтиб кўрган-кечирганлари асосида “Китоб ал-амкина ва-л-мийоҳ ва-л жибол” (“Жойлар, Сувлар ва тоғлар ҳақида китоб”) асарини ёзади.

Аллома қайси бир мамлакат ҳақида сўз юритар экан, ўрни билан Қуръони Каримдан, пайғамбарларимиз ҳадисларидан, шоирларнинг ибратли шеърларидан намуналар келтиради.

“Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” асарининг саккизинчи фаслида алломанинг Арабистоннинг Тоиф шаҳрига қилган сафарида юз берган ибратли бир воқеа қаламга олинган. Бу фаслни адиб “Зайниддин ва Зубайда қиссаси” деб номлаган. Қисса мазмунидан кўринадикки, аллома қайси шаҳарда бўлмасин, уни катта иззат-иқром ва

⁴⁶ Ўша манба. 32-бет.

хурмат билан кутиб олишади, унинг самарали илмий, ижодий ва мударрислик фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратиб беришади. Хаттоки, Каъбатуллоҳнинг яқинидаги Боб ал-Ажйод маҳалласида олим учун махсус бир уй ҳам қуриб беришади. Бундан алломанинг араблар, хусусан, Макка амири олдида қандай юксак мақомга эга бўлганини кўриш мумкин.

Тоиф ҳаками ҳам Замахшарийни очик чехра билан кутиб олади. Дастурхон атрофида бошланган гурунг ярим тунгача давом этади. Бу суҳбатда Тоиф ҳоками маккалик савдогар Иброҳим ибн Усмоннинг ўғли унинг кенжа қизи Зубайдани алдаб ўғирлаб кетмоқчилигини, йигитнинг зиндонбанд қилинганини, энг ёмони қизи жон-жаҳди билан йигитни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганини, бу эса қабиланинг урф-одатларига мутлақо зид эканини куюниб гапиради. Тоиф ҳоками Замахшарийдан қизи билан гаплашиб уни бу йўлдан қайтариш лозимлигини илтимос қилади. Акс ҳолда, сақифликлар уларни тошбўрон қилмоқчи эканини маълум қилади.

Алломани эртаси куни Зубайда сақланаётган хонага бошлаб боришади. Зубайда билан суҳбатдан билинадики, қиз йигитни чиндилдан севади. Иложи топилса уларни бир-бири билан никоҳлаш, айна пайтда сақифликлар билан қурайшларни ҳам яраштириш лозим эди. Энди уларнинг тақдирини тоифлик уламолар ҳал қилиши лозим эди.

Тонг пайти. Очик майдонга бирин кетин одамлар йиғила бошлади. Майдон ўртасига қўллари боғланган Зайниддин ва Зубайдани олиб келишади. Шу пайт Маҳмуд Замахшарий ўрнидан турди ва аста сўзлай бошлади. Аллома Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Расуллоҳ (С.А.В.) ҳадислари асосида гапириб уламоларни инсофга чақирди. У қадим-қадимдан сақиф қабиласи ҳам, қурайш қабиласи ҳам ўзларининг мардлиги ва тантилиги билан обрў-эътиборда бўлиб, барча масалаларда қўшни қабилаларга ўрнатиб бўлиб келганларини таъкидлади. Аллома кишиларга яхшилик қилган ёки бирон ёмонликни авф қилиб юборганлар Аллоҳнинг суйган бандаларидан

бўлишларини, зеро, Аллоҳ кучли қудрат эгасибўлгани ҳолда, авф қилувчи зот эканини уламоларга эслатди.

Гувиллаб турган майдон бирдан тинчиди. Шу пайт таниқли фикҳ олими Исмоил ибн Шамсинг овози майдон ичра ёйилди:

“Алломаи замон Маҳмуд Замахшарийнинг пурҳикмат сўзларини тинглаб, менда шундай фикр туғилди. Айтмоқчиманки, қадим-қадимдан сакифлар билан курайшлар оғир кунларида ҳамиша бир-бирларини қўллаб, қуда-анда бўлиб келганлар. Ўйлаб қолдим, нима учун эски урф-одатларимизни деб икки ёшнинг йўлини тўсамиз? Сақишлар ва курайшликлар орасига низо уруғини сепамиз? Келинг, яна бир савоб ишга қўл урайлик. Тошбўрон қилиш фикридан қайтиб, икки ёшнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечириши учун фотиҳа берайлик.”⁴⁷

Шу заҳоти Зайниддин билан Зубайданинг қўллари ечилиб, улар озод бўлдилар. Зайниддин ва Зубайда устоз ҳузурига келиб таъзим қилишди. Маҳмуд Замахшарий икки ёшни дуо қилиб, уларга бахт тилади.

Асардан ўрин олган бу ибратли ҳикоядан алломанинг ҳаётий ва оилавий масалаларни ҳам жуда кучли идрок этгани, уларни тадбир билан ҳал қилгани кўриниб турибди. Аз-Замахшарийдаги буюк даҳо, улкан илму ва фазилатларининг шоҳиди бўлган Макка амири Ибн Ваҳҳос унга тасанно айтиб: “Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки, бу қишлоқ минг йилларда бир келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек йирик алломани дунёга келтирган”⁴⁸,— деб алломани улуғлайди.

Маълумки, бирон-бир алломага насиб этмаган юксак мақом ватандошимиз Замахшарийга берилган. Уни Жоруллоҳ (“Аллоҳнинг қўшниси”) деб атаганлар. Маҳмуд Замахшарийнинг Байтуллоҳга қўшни яшаганлигида олган тажрибалари, шубҳасиз, унинг тафаккурида, илмий салоҳиятида ҳар томонлама намоён бўлган. Унинг насрий мероси гўзал ҳикматлардан иборат бўлиб, уларнинг маънолари ўзига хос бетакрор, иборалари ўта нафисдир. Бунга “Яхшилар баҳори ёҳуд

⁴⁷ Ўша манба. 113-бет.

⁴⁸ Уватов У. “Хоразмлик буюк аллома”, Янги аср авлоди. 2006, 38-бет.

Маҳмуд Замахшарий даҳоси ” асарининг фасллари бошланишида келтирилган гўзал иборалари мисол бўла олади. Масалан: “Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни, доимо) эзлулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги қачик патлари катта патларга мададқордир.”⁴⁹ “Барча қийин ишларни фақат ва фақат тадбир билан ҳал қилиш мумкин.”⁵⁰ “Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда зинҳор ошиқма. Ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.”⁵¹ “Дунё (айланувчан) чархпалақдир, одамларнинг феъл-атворлари эса турличадир. Ҳар доим бўладиган кори ҳолу ҳодисаларга кўра ҳам бир тоифанинг имконига қараб, улар билан муомала қилгин. Ҳар доим кунлар сен истагандек (яхши) бўлавермайди. Ҳар доим ҳам одамлар сенинг мурод-мақсадингга розилик беравермайди.”⁵²

Романда қаламга олинган Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳоб фил мавоизи вал хутаб” (“Олтин шодалар”) асари ҳам ўғит ва насиҳатлардан иборат бўлиб, аллома унда ҳаётий тажрибалари, кўрган-кечирганлари, эшитганлари ҳақида сўз юритган. Асардаги мақолаларда юксак инсоний фазилатлар улуғланиб турли ярамас иллатлар қораланади.

Замахшарийнинг фикрича, киши фақир ёки етим бўлса ҳам, унинг дину диёнати ва илму маърифати юқори бўлса қадри баланд бўлади. Аксинча, киши бой ёки авлоди кўп бўлса-ю, нодон ва ёмон сифатлар эгаси бўлса одамлар олдида қадрсиз ҳисобланади.

Инсоннинг одоби ва парҳезкорлиги гўё ота-онаси каби тарбиячиларидир. Агар инсон ўзини шу икки мураббий бағрига топширса, Оллоҳ унга туганмас неъматлар ва файзу баракотлар ато этади.

Маҳмуд Замахшарий бу асарида такаббур кишилар ўзларини бошқалардан юқори қўйиб кибрланишларни ўткинчи ҳол эканини умр тезда ўтиб вужудлари тупроққа айланиб кетишини эслатади. Шунингдек, елдек ўтиб кетаётган умрни

⁴⁹ Пирмат Шермухаммедов. Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси. Илмий-маърифий роман. Ношир нашриёти. Тошкент 2009. 79 бет.

⁵⁰ Ўша манба. 106-бет.

⁵¹ Ўша манба. 115-бет.

⁵² Ўша манба. 148-бет.

ганимат билиб фойдали ва савоб ишлар қилишга шошилиш зурурлигини уқтиради.

Дунёдаги энг баланд одам кадр-қимматидан кўра бойлигини эҳтиёт қилади, энг бахтли одам эса обрўсини сақлаш учун бойлигини қалқон қилиб, доимо бойлигидан эҳсон қилади, мухтожларга ёрдам кўрсатади. У ўз нафсини бошқаришни билади. Бу каби яхшилик ва эзгуликлар таҳсин айтишга лойик сифатлардир.

Бу асар ўша даврда қанчалик аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам унинг фазилати асло камайган эмас. Унинг ёш авлод тарбиясида таъсири жуда каттадир.

П.Шермухамедов қиссаси аллома Замахшарийнинг барча шахсий фазилатларини, шу асосдан унинг ижодига кўчган барча сифатларни қамраб акс эттиришга қаратилганлиги сезилиб туради. Алломада эса инсон моҳиятига тегишли бўлган жамики мавзулар ва масалалар ислом таълимотлари негизида ўзининг чуқур ифодасини топган. Масалан, ҳаётда яхшиликка ҳамда ёмонликка доир тушунчаларнинг сон-саноғи йўқ, лекин уларнинг энг муҳимларини билмасдан ва уларга амал қилмасдан инсон камолга эриша олмайди.

Замахшарий асарларида турли муносабатлар билан илм-фан аҳамияти, таълим бериш ва таълим олиш одоблари, ёшларнинг тарбиясида эътибор бериш жоиз бўлган хилма-хил масалалар, ахлоқ-одобни, феъл-атвори, одамлар билан муомала муносабатни яхшилаш сингари ўнлаб эзгуликка ўргатувчи ҳақиқатлар илгари сурилган. Айни чоқда у Аллоҳ буюрганларини бажаришга даъват қилиш билан бирга турли хил ёмонликларнинг: жаҳолат ва разолатнинг, ялқовлик ва ишёқмасликнинг, таъма, ҳасад, риё, мунофиқлик, зикналик каби иллатларнинг таърифларини таъсирсан уқтиради. Инсониятни шундай феъллар билан яшашнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳлантиради.

Қиссанавис буларнинг ҳаммасини кўздан кечирганлиги билиниб туради. Шунингдек, аллома ҳаёти ва ижодини ҳам маърифий, ҳам бидий-тўқимавий жиҳатдан қамраб олишни режалаштиргани учун бирорта эътиборга сазовор

маълумотни, Замахшарий илмий-иждодий тафаккурига хос муҳим далиллар ҳамда ибратли фикрларни асар доирасидан четда қолдирмасликка ҳаракат қилади.

Албатта, ҳозирги замонда қадим алломаларнинг асарлари аслиятидан кўпчилиكنинг бевосита фойдаланиш салоҳияти ва имконияти йўқ. Шу маънода замонавий баён асосида ва услубда яратилган бундай қиссалар ва романларнинг аҳамияти катта. Жумладан, адабий таълим муносабати билангина эмас, бошқа турли фанлар ёки тарбиявий, тадбирийд жараёнлар муносабати билан ҳам Замахшарий меросига мазкур асар воситасида мурожаат қилиш фойдадан холи эмас. Маълумки, ҳозирги даврдаги таълим ва тарбия амаллари ёш авлод ҳаётининг ҳамма босқичларида ўтиш даврлардагига қараганда анча тезкор ва мураккаб. Дунё миқёсидаги воқеалар, ўзгаришлар, ҳатти-ҳаракатлар бўйича маълумотлар ниҳоятда тез тарқалувчан ҳамда тез таъсир этувчандир. Шунинг учун адабий таълимнинг турли босқичларида ва турли йўналишдаги тарбиявий жараёнда Замахшарийдек улкан олимларнинг ҳаёти ва иждодий ибратларидан баҳрамандликни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, бу манбаларда талқин этилган ҳамма масалалар мукамал ҳақиқатлар сифатида ёш авлод қалбига чуқур таъсир қилади.

Ёзувчи П.Шермухамедов “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” илмий-маърифий қиссасида ҳам инсоний камолот масаласини улуғ аллома ҳаётининг мисолида, ўтмиш ота-боболаримизнинг илм-фанга эҳтироми, чанқоқлиги, қизғин машғуллиги фонида ёрқин кўрсатиб бера олган. Қиссанинг ҳам ҳар бир воқеаси, ҳар бир образи, улар тасвиридан ҳосил бўладиган маънавий-маърифий ҳулосаси бугунги авлодлар учун жуда кўп ибратларга бой. Хусусан, кейинги асрлардаги авлодлар тарихда ўтган ўнлаб машҳур олимлар, донишмандлар, давлат арбоблари, шоирлар, муҳаддисларимизнинг кўпроқ умумий тавсиф-таърифларини биладилар. Уларнинг инсоният тараққиётига қўшган катта хизматларини, кашфиётларини, илм-фанга, унинг ривожига қанчалик таъсир кўрсатгани ва жаҳон миқёсида шуҳрат топганини, уларни ҳозирда ҳам илғор дунё илм аҳли яхши эътироф этишини умумий тарзда тушунишади. Собиқ шўро тузумида улар деярли ўқитилмади, кам эсланди, улар

асарлари чоп этилмади, асарларига мурожаат қилинмади. Улардан яхши хабардор бўлмасликнинг сабабларидан бири шудир.

Ваҳолангки, Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи тарихи нақадир илмий, маърифий, ижодий ютиқларга бой ва алломаларимиз қилган фанний кашфиётлар, яратган асарлар жаҳоннинг кўплаб халқларидан чиққан олимлар томонидан ўзлаштирилган ва ҳаётга татбиқ этилган. Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий, Фарғоний, Ромитоний, Бухорий, Термизий, Замахшарий сингари номларни истаганча санамоқ мумкин. Улар битган китоблардан, таассуфки, инсониятнинг кўпчилиқ қисми ханузгача беҳабар. Истиқлол йилларида алломалар ижоди тарғиботига жиддий эътибор қаратилгани аҳамиятлидир. Бу жараёндан адабиётнинг ҳам четда турмаганлиги, турлича ижодий, шаклий, услубий, жанрий изланишлар орқали бундай хайрли жараёнда қатнашиш, бизнингча, ижод аҳлининг бурчидир.

Хулосалар олим, мунаққид, адиб Пирмат Шермухамедовнинг долзарб фанний, адабий, маърифий муаммоларни тез илғовчан ва ҳозиржавоб зиёлилардан бири эканини тасдиқлайди. Унинг “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” номли қиссаси ҳар ҳар жиҳатдан замонамиздаги ана шу кучли маънавий эҳтиёжларни қаноатлантириш йўлидаги унинг шарафли саъй-ҳаракатлари маҳсулларида биридир.

Истиқлол йилларида маърифий насрнинг шаклланиши ҳамда кўплаб намуналар билан бойиши адабий таълим учун ҳам жуда аҳамиятли бўлганлигини таъкидлаш лозим. Юқорида ўзбек илмий-маърифий насрининг талай намуналарини, улар сирасида кузатаётганимиз адиб ижодининг маҳсуллари эсладик. Шуниси эътиборга молиқки, бу асарларни ўрни-ўрни билан танлаб, таълимнинг турли босқичларидаги адабиёт дарсларида уларнинг муайян жиҳатларидан, лавҳалари, образларидан фойдаланиш, тўғарак машғулотларида муҳокамаларга тортиш, мустақил ўқиш учун тавсия этиш ғоятда фойдалидир ва беҳавотирдир. Адабиёт муаллимлари, маълумки, ўз ўқувчиларининг китобхонлик дидлари ҳамда маданиятларига ҳам масъулдирлар.

Ҳозирги даврда, биламизки, ёшларда мутолаа анча суст ва улар одатда топган, қўлига тушган китобларни бетавсия, бемаслаҳат, бетартиб ўқишга одатланишмоқда. Бу жамиятнинг маънавий соғломлигига жиддий путур етказди. Чунки, адабиёт ниқоби остида ёки ҳатто танилган ижодлардаги жаҳон адабиёти намуналарда ёш ўқувчи оммага салбий таъсирли намуналарнинг кўплиги сир эмас. Айниқса, ҳозирги таълим-тарбия жараёнида бу ҳолатларнинг назорати янада зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёзувчи Назар Эшонқулнинг қуйидаги фикрлари характерлидир:

“...бугун ким нимани хоҳласа, ёзиб ётибди, ҳеч ким, ҳеч нарса тўсик бўлаётгани йўқ. Ҳатто шу даражада эркинлашиб кетдикки, адабиётга, эстетик нормаларга, этик тамойилларга зид бўлган, ота-боболаримиз бизни миллат, халқ қилиш учун мисқоллаб йиққан ва бизга шу йўллардан бошқасида юриш инсоният таназзули эканини қатъий қилиб белгилаб кетган қоидалардан воз кечилган, инсоннинг ҳайвоний қиёфасини акс эттирадиган, ҳирс, эҳтирос жараёнлари батафсил тасвирланаётган, демак, тарғиб қиланаётган олди-қочди, тижорат, фисқ-фасод чўпчакларини ҳам газеталаримиз, ҳам нашриётларимиз янги адабий воқелик сифатида эътироф этишяпти, бунақа асар ёзаётганлардан янги давр Де Садини яратишяпти. Мен ўйлаб қоламан, шундай “ҳирсли кашфиёт” қилаётган ҳам, шундай китобни нашр этаётган ҳам шу асарларни ўз фарзандлари, ўз набиралари ўқишини, ана шу “батафсил тасвирланган”, “адабий воқеликка айлантирилган” ҳирс тасвирлари фарзандларимизнинг одоб ва ахлоқига таъсир қилиши, ўзгартириши мумкинлигини ўйлармикин?!

Ё фарзандлари билан ҳам бу мавзуда худди асарларидаги тасвирлар каби бемалол гаплашаверармикин?! Агар шундай бўлса, унда бу ҳолатни адабий танқидчилик эмас, тиббиёт ходимлари муҳокама қилиш керак... Мабода, ўз асарларини фарзандларига ўқиб беришга уялса, унда нега уни бутун миллатга тақдим қилиши керак? Мақсад нима? Миллат ахлоқига путур етказишми? Биз ҳар ёзганимиз учун болаларимиз олдида жавоб берамиз. Уларнинг ахлоқи,

инсонгарчилиги, дунёқараши олдида ёзган ҳар бир сўзимиз билан жавобгармиз. Адабиёт, қалам бизга ана шундай масъулият юклайди.”⁵³

Дарҳақиқат, бу мутлоқ тўғри қарашлар бугунги кун адабиёт таълимида ҳам хилма-хил усулларда чинакам сўз санъати нималигини, болаларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришни, уни назорат қилишни ва бошқа вазифаларни идрок эттиради. Бутун жаҳон адабиётидагина **ас**, миллий адабиётларда ҳам шундай “бадий асар”лар пайдо бўлмоқдаки, уларда турлича фахш ишлар бемалол, бутун тафсилоти билан акс этган, яна талай асарларда зўравонлик, моддий кучлиликнинг мақтов руҳидаги талқин этилишлари ҳам кўп. Бундай бизнес, шон-шавкат, машҳурлик илинжида қилинаётган адабий ҳаракатларнинг кўпайиши одамларнинг адабиёт ҳақидаги тасаввурларини бузади, дидларни ўтмаслаштириб юборади, ёшларни ахлоқан бузук, беоқибат инсонларга айлантиради.

Шундай жиҳатдан олиб қараганда ҳам, бугунги маърифий наср намуналарининг аҳамияти каттадир. “Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили” ёзувчининг бошқа тарихий қиссалари, романлари сингари фақат бир тарихий сиймоларнинг ҳаёт ва ижод йўлини қамраб олишгагина қаратилган эмас. Шу мавзу талқини воситасида унда ҳаммамиз ҳис этишимиз керак бўлган ўтмишимизнинг энг ёруғ саҳифалари, сиймолари, уларнинг тўғри ҳаёт тарзлари, билим, юксак ахлоқ йўлидаги жонбозликлари, кўплаб асарларининг мазмун-моҳияти акс этган. У ўтмишимиз ҳақидаги ана шу йўналишлардаги таъсирчан ҳақиқатларни бизга тақдим этишдан ташқари, кўнгилларимизни фахр-ифтоҳор туйғуларига тўлдиради. Шунинг учун ҳам бу асар таълим жараёнига бешубҳа жорий қилиниши мумкин адабиётлардан биридир дейиш мумкин.

Аввало, Замахшарий тўғрисидаги асарда бўлгани сингари бунда ҳам бошдан оёқ илм-маърифатга даъват руҳи ҳукмрондир. Замахшарий тасвири унинг болалик чоғларидан, унинг илмга қанчалик чанқоқлиги, устозлар, ота-онасининг унга алоҳида кўмаклари, эътиборлари, умидворлиги воқеаларидан бошланса, Хоразмий тимсоли тасвири унинг катта шон-шуҳрат қозонган алломалик

⁵³ Н.Эшонкул. Янги авлод овози (суҳбат). Н.Эшонкул жавоблари: Шарқ юлдузи, 2013 йил, 1-сон, 133-бет.

давридан бошланади. Кўп ўтмай, аллома муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий билан ўз уйида кутилмаганда учрашади (“Кутилмаган учрашув” фасли). Шу илк саҳифалардан бошлабқ илму урфоннинг кадр-қиммати, инсоният учун унинг нажотлиги, олим аҳлининг ҳам Аллоҳ ҳузурида мартабаси баланд бўлиши ҳақидаги ҳақиқатлар ўқувчига қизиқарли ва таъсирчан бир тарзда етказила боради.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини тўплаш учун Бухорий дунёни жуда кўп кезган. Шом, Миср, Жазирага икки марта, Басрага тўрт мартаба боради, Ҳижозда олти йил яшайди. Кўфа билан Боғдодга кўп боради. Шу кунга қадар у турли мамлакатларнинг турли тоифа одамлари билан, уламолар, дехқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, дарвешлар билан қайта-қайта ҳамсуҳбат бўлади: бир минг саксондан ортиқ ҳадислар ёзиб олади.

Бухорий ҳазратлари асарда Хоразмийга ҳадис тўплаш тажрибаларидан баъзиларини сўзлаб беради. Бу воқеалар турли жиҳатлардан характерли, албатта: икки замондош улуғ алломалар сиймоси гавдаланади, илм йўлининг нақадар машаққатли йўл эканлиги, бироқ унинг шарафи, мартабаси ғоятда улуғ эканлиги ҳисланади. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим адабиёт дарслари мавзулари баёнида ҳадисларга мурожаат кўп ёки махсус мавзулар бор. Шулар муносабати билан асардаги ушбу эпизод мазмунига мурожаат қилиш жуда фойдали бўлиши табиий.

Бурохий ташрифи ҳам бежиз эмас. У бир ҳадисга ойдинлик киритиш мақсадида ҳам келган. У фаолияти мобайнида ирим-сирим ҳақида 200га яқин ҳадис тўлаган. Улар айрим сўзлари билангина бир-биридан фарқ қиладилар. Бир куни Бухорий басралик ошнасини учратиб қолади. У ирим-сирим ҳақидаги ҳадисни айтиб қолади. Алломанинг бу ҳадисни кимдан эшитганлиги ҳақидаги саволига у ошнаси “бу саҳиҳни “Байт ул-ҳикма”раиси, алломаи замон Муҳаммад Хоразмийдан эшитганлигини”⁵⁴ айтади. Шу воқеа Бухорийни Муҳаммад Хоразмий хонадонига бошлаб келган. Бу ҳадиснинг асл матнини Хоразмий айтиб беради:

⁵⁴ Ўша манба. 40-бет.

“Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг (“Бирор нарсанинг бихтсизлик келтиришига ишониб”) ирим-сирим қилиш ярамайди, унинг (ирим-сиримнинг) яхшиси фолдир”, деганларини эшитдим. Шунда одамлар “Фол нима?” деб сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.): “Бирортангиз эшитадиган яхши сўзлар (яъни бирор киши сизга айтадиган хушхабарлар)”, – дедилар.

Бу воқеаларнинг қанчалик ҳужжат асосида, қанчалик бадий тўқима эканлиги у қадар муҳим бўлмай қолади. Турган гапки, мазмун таъсирчан ва икки улуғ алломанинг илм йўлидаги тинимсиз сайи-ҳаракатлари ибратли. Улар суҳбатидаги бир неча ҳадислар ҳам ҳадисчиликни, муайян ҳадисни бугунги ҳаётимиз билан боғлаш асосида ўқувчиларга яхши билан ёмонни фарқлашга ўргатишни мақсад қилинса, фойдалидир.

Ушбу илмий-маърифий қиссадаги турли фаслларнинг сарлавҳаларидан ҳам таълимий жараёнда аҳамиятлилики англаниб туради. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ахлоқий-эстетик пафослари билан кўзга ташланади. Баъзи фасллар номларига эътибор қаратайлик:

- “Шогирд ва устоз” (3 фасл);
- “Алломанинг “Тарих китоби” (6 фасл);
- “Абадият ал-жабри” (8 фасл);
- “Байт ул-ҳикма” (9 фасл);
- “Китоб сурати-л-арз” (10 фасл);
- “Хаттот ва “Зижи Хоразмий” (11 фасл);
- “Китоблар ва олтинлар”(12фасл);
- “Муҳаммад Хоразмий ҳикматлари”;
- “Муҳаммад Хоразмий жаҳон олимлари нигоҳида”.

Шуларга ўхшаш фаслларда акс этган воқеалар, улар ичидаги маълум бир эпизодлар, образлар ёки маълумотлар ўзларининг таъсирчанлиги, зарурийлиги, ўқувчи учун янгилигига кўра таълимий қимматга эгадир. Уларнинг ҳаммасини тадқиқотимизда бирма-бир баён қилиш қийин, албатта; Шунга қарамай, айрим ўринларни таъкидлаймиз. Масалан,

Муҳаммад Хоразмий “Зиҷ”и ҳақида “Хаттот ва “Зиҷи Хоразмий” фасли жуда ёрқин, бугунги кун маънавияти учун ўта аҳамиятли туйғуларни мужассам қилган. Ўқувчига, аввало, бу машҳур асар тўғрисида тўлароқ маълумот, тасаввур ҳосил бўлади.

Аллома бу асарни ёзиш учун ўн етти йил тинимсиз меҳнат қилади. Ўттиз етти боб ва бир юз ўн олти жадвалдан иборат бу китоб ҳақида тарихда қатор асарлар ҳам битилган. Абу Райҳон Беруний “Зиҷи Хоразмий” хусусида уч китоб ёзган. Шулардан бири “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар” китобидир. Асл номи қуйидагича “Китоб ал-масоил ал-муфида вал жавобат ас-садида”. Беруний рисоласи 250 варақ. Кейингилари қуйидагича номланади: “Хоразмий зиҷидаги амалларни далиллар билан исботлаб, у ҳақидаги бўҳтонларни фош этиш” (“Ибтол ал-бухтон би-ирод ал-бурхоналга аъмал ал-Хоразмий фи-зиҷиҳи”); “Абу Ҳасан ал-Аҳвазий ва Хоразмий ўртасидаги восита китоби” (“Китоб ал-восита байна Абул-Ҳасан ал-Аҳвазий ва ал-Хоразмий”).

Абу Райҳон Беруний ватандоши Хоразмийнинг қарашларини, далилларини, унинг тўғри тадқиқотларини далил ҳимоя қилади. Нотўғри тасаввурларга зарба беради. Кейинги асрларда ҳам Хоразмийнинг бу машҳур асарига оид кўплаб рисоалар яратилган. Шундай асарларнинг ҳам кўпи жаҳоннинг кўплаб тилларига, жумладан, инглиз тилига таржима қилинган. Айни чоқда, бу китоблар Хоразмийнинг номини дунёга янада кўпроқ таратган, унинг асарларини эътироф этишгагина эмас, илм-фанда тасдиқлашга, илмий далилларининг тўғрилигини тан олишга, амалда уларни қўллашга сабаб бўлган. Фаслда ўша китобларнинг ҳам бир қанча машҳурлари ҳақида маълумотлар берилади.

Машҳур Христофор Колумбнинг ҳам бу асардан ва бу асар ҳақидаги китоблардан, улардаги маълумот, кўрсатма, далиллардан бевосита фойдалангани ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Дарҳақиқат, “Зиҷи Хоразмий” дунё тарихида география соҳасидаги буюк кашфиётлардан бири бўлган. Ўз даврида ҳам, кейинги замонларда ҳам илм

аҳлини ҳайратга солиб келган. У фалакиётшунослик фанида биринчилардан бўлиб тақвимлар тарихи, Қуёш, Ой ва сайёраларнинг бир кеча-бир кундузлик ҳаракати, вақт ўлчовлари, илми нужум масалаларига оид кенг, аниқ, батафсил маълумотлари билан мисли ҳали кўрилмаган кашфиёт эди. У XII асрда лотин, кейин испан, инглиз тилларига таржима қилинган бўлиб, асл матн – арабий нусха сақланмаган. Бутун Европа халқлари олимлари ушбу асар далиллари олдида лол қолишган.

Аслида астрономияга, бу фаннинг асл ўзанга тушиб шаклланишига ҳам шу китоб асос солган дейиш мумкин. Хоразмий асари фақан аниқ фанларнинг ривожига тўртки берибгина қолмай, ўрта аср табобатига ҳам баракали таъсир ўтказган. Ўрта асрларда